



XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: axborotXiasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 23 август, пайшанба, 34 (458)-сон



Иш ўринлари масаласида «Аёллар қаноти»га мурожаат қилинг

3 «АЁЛЛАР ҚАНОТИ»



Депутатларга куйи бўгин узоқлик қилаяптими?

5 БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТЛАРДА



7 ойда банк томонидан 1 млрд. 952 млн. сўм сармоя ажратилди

6 ИҚТИСОДИЁТ

Парламентда



«САЙЛОВОЛДИ ТАШВИКОТИ»ДА ХАТОГА ЙЎЛ КЎЙИЛМАЙДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталарининг Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда ўтказган навбатдаги давра суҳбати «Сайловлар жараёнида оммавий ахборот воситалари ва замонавий технологиялардан фойдаланиш: қонунчилик ва амалиёт» мавзусига бағишланди

2 >>>

Депутатлик гуруҳларида

МУТАСАДДИЛАР ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛМОҚДА, УЛАРГА СЎРОВЛАР ЮБОРИЛАЯПТИ. АММО...

Халқ депутатлари Қўшқўпир туман кенгашида 28 нафар депутат бўлиб, уларнинг 11 нафари О'зЛиДеР, 10 нафари МТДП, 6 нафари ХДП, 1 нафари эса «Адолат» СДП аъзосидир. Кўришиб турибдики, Хоразм вилоятининг ушбу туманида вакилларимиз нисбатан кўпчилиكنи ташкил этади. Хўш, жорий йилнинг биринчи ярмида депутатларимиз томонидан қандай ишлар амалга оширилди?

Далилларга мурожаат қилсак, ўтган даврда Қўшқўпир туман кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи томонидан худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг ижроси бўйича ўнга яқин тадбирлар ўтказилгани, айниқса, вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган ўқув-семинарлар яхши натижа берганига гувоҳ бўлиш мумкин.

2 >>>

ШУ СОНДА:

3 БУНДАЙ «АРЗИМАС» КАМЧИЛИКЛАР БАРЧА ПАРТИЯЛАРГА ХОС ЭКАНИНИ ҲАМ ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ. ЭНГ ЁМОНИ, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАГИ БУНДАЙ ТАШАББУССИЗЛИК ВИЛОЯТЛАРДАГИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ ИШИДА ҲАМ КЎЗГА ТАШЛАНМОҚДА.

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Бунёдкорлик мўъжизаси

Бугун дунё аҳли Ўзбекистоннинг 21 йиллик тарихи давомида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида асрга татиғулик ишлар амалга оширилганини алоҳида эътироф этмоқда. 1997 йилнинг 22 августида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилиши ҳам ана шу тарихимизнинг зарҳал саҳифаларидан жой олди



Коровулбозорда қад ростлаган мазкур саноат мажмуаси нафақат республикамиз, балки жаҳон нефть ва газ саноатининг ҳам энг замонаваридан бири ҳисобланади. Унинг асосий фаолияти нефть ва газ конденсатини қайта ишлашга йўналтирилган бўлиб, бир йилда 2,5 млн. тонна углеводород хом ашёсини қайта ишлаш қувватига эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхона технологик жараён-

ларни шакллантиришда Франциянинг нефть институти, АҚШнинг «Мерикам» ва Голландиянинг «Компримо» компаниялари лицензияларидан фойдаланиб, Франциянинг «ТЕК-НИП» компанияси лойиҳаси асосида бунёд этилган.

Мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида салоҳиятга эга мазкур корхонада нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш эвазига автобензин, авиакеросин, дизель ёнилғиси, углеводород эриткичи, мазут, суьултирилган газ, олтингургурт каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилаяпти.

4 >>>

Модернизация жараёни ва сиёсий партиялар

Маълумки, Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ва 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун жамиятни янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш жараёнларида сиёсий партияларнинг роли, уларнинг ислохотлар натижасига таъсири, бир сўз билан айтганда, сиёсий партияларнинг жамият олдидаги масъулиятини янада кучайтирди

Партиялараро соғлом рақобатни янги босқичга кўтарган ана шу қонун қабул қилинганидан кейинги сайловлар жараёни ҳам буни яққол кўрсатган эди.

Бугунги кунда ҳам ушбу масала долзарб бўлиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу бордада хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларининг ҳимоячиси бўлмиш О'зЛиДеР янги жамият барпо этиш, мамлакатни дунёнинг энг ривожланган давлатлар қаторига кириши, халқимиз учун янада фаровон турмуш шароитлари яратишни таъминлаш борасидаги ислохотларни амалга оширишнинг асосий воситаси саналса, ЎзХДП томонидан иқтисодиётда бозорнинг мутлақ ҳукмронлигига йўл қўйиб бўлмаглиги, бозор иқтисодиёти халқимиз танлаган йўлга мувофиқ ижтимоий йўналтирилган бўлиши, яъни нафақат хусусий манфаатларга, балки жамоавий манфаатларга кўпроқ хизмат қилиши зарурлиги таъкидланмоқда.

3 >>>

Тадбиркорлик ҳаракати



Ривожланишнинг янги стратегияси

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини изчил ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишда кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ўрни катта

Иқтисодиётнинг мазкур тармоғини янада ривожлантириш дастури мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорлик ҳаракати янада эркинлик беришни давлатимиз томонидан берилган қўллаб-қувватлаш асосида амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича кенг қўламли чоралар қабул қилинди. Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги принципи қонун даражасида жорий этилди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, экспорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиблари анча соддалаштирилди ва арзонлаштирилди.

7 >>>

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куну

Шаҳидлар хотираси мангу яшайди

Истиқлолнинг йигирма бир йиллик тантаналари арафасида озодликка эришгунча не-не оғир синовлар, ўз эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати ёдга олинаётгани бежиз эмас. Зеро, хотира аждодларга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодасидир



— Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилингандан кейин мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган хайрли ишлар орасида, шубҳасиз, мустамлакачилик йилларида беғуноҳ қурбон бўлган, ўтган асрнинг 30-50-йилларида «халқ душмани» сифатида қатағон қилинган ота-боболаримиз хотирасини абадийлаштириш орқали тарихий адолатнинг тикланиши бўлди. Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб тарихий адолатни тиклаш, аждодларимизнинг эзгу ишлари, жасоратини улуғлаш, шаҳидлар хотирасини абадийлаштириш, мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар халқимизнинг ўлмас қадриятлари, бебаҳо маънавий қазиналарини ўзида акс эттириб келмоқда. Инсон хотира билан тирик, қадри билан улғу, — дейди биз билан суҳбатда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи директори ўринбосари Мурод Зикруллаев.

Маълумки, шўро даврида халқимизнинг минг-минглаб фарзандлари қатағон сиёсатининг беғуноҳ қурбонларига айландилар. Зулм ва зуравонликка асосланган мустабид тузум даврида миллат қадриятини теран англаган, маърифат ва маънавий йўлида фидойилик кўрсатган таниқли давлат ва жамоат арбоблари, маориф, фан ва маданият намояндалари қаторида минг-минглаб оддий деҳқонлар, хунарманд-қосиблар, ишчи-хизматчилар азиз жонларидан жудо бўлдилар. 1937-1953 йиллар давомида содир этилган беододликлар қўламини ҳис этиш учун қарийб 100 минг киши қатағонга учрагани, уларнинг 13 минг нафари отиб ташланганини эслашнинг ўзи қифоя.

8 >>>

«Сайловолди ташвиқоти»да хатога йўл қўйилмайди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»

Маълумки, Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича илгари сурилган ташаббуслар мазкур тизимни янада демократлаштиришга бўйича қилмоқда. Парламент куйи палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган қонун лойиҳаси тайёрланиб, Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган ҳам шундан далолат бермоқда.

— Ҳар қандай демократик давлатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи асосан сайловларнинг қай даражада очиқ ва ошқора ўтказилишига боғлиқ, — дейди Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Жўрабоев. — Шу жиҳатдан олиб қараганда, эркин ва адолатли сайловлар нафақат фуқароларнинг овоз бериш имконини таъминлагани билан, балки уларнинг тегишли номзодлар ва умуман сайлов жараёни тўғрисидаги ахборотларга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш билан ҳам боғлиқ. Демократик сайловларни эса оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг сайлов тизими умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустақамланган принцип ва тайовиллар асосида шакллантирилган бўлиб, миллий сайлов қонунчилигимиз жаҳон стандартлари талабларига тўла мос келади. Бундай демократик мезонлар эса мамлакатимиз сайлов тизимини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов



Солиқ ДУПР оқибатини

тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунларда мустақамлаб қўйилган.

Давра суҳбатида алоҳида таъкидланганидек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган янги қонун лойиҳасида сайловолди ташвиқоти жараёнининг моҳиятини очиқ бериш ва унинг бир хилда тушунилишини таъминлаш мақсадида «сайловолди ташвиқоти» тушунчасига аниқ таъриф берилмоқда. Яъни, «Сайловолди ташвиқоти» — «сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзод ёки сиёсий партия учун овоз беришга ундашга қаратилган фаолият» сифатида белгилаб қўйилапти.

— Сайловолди ташвиқоти хусусидаги асосий маълумотлар оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тарқатилиши ҳеч кимга сир эмас, — дейди Марказий сайлов комиссияси матбуот котиби Низомиддин Нурматов. — Бу ўринда телевидение ва Интернет имкониятлари алоҳида аҳамият касб этишини ҳамда мамлакатимизда ушбу соҳалар жадал ривожланаётганини таъкидлаш жоиз. Шунинг учун ҳам ушбу қонун лойиҳасида сиёсий партия ва депутатликка номзодларга сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари ва

замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда олиб бориш учун ҳуқуқий механизмлар янада такомиллаштирилмоқда.

Тадбирда қонун лойиҳасидан ўрин олган сайлов ва ташвиқот фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали амалга ошириш масалаларини тартибга солувчи нормаларнинг муҳим аҳамиятга эга экани хусусида кўплаб фикрлар билдирилди. Жумладан, барча номзодларга, сиёсий партияларга давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шароитлар яратиш ва уларга бир хилда эфир вақти ҳамда нашр ҳажмининг бепул бериш қондалари илгарий Марказий сайлов комиссияси низомида кўрсатилган бўлса, эндиликда бу норма қонунга кўчирилаётгани айтиб ўтилди.

— Қонун лойиҳасига киритилаётган яна бир муҳим янгилик — сайловолди ташвиқоти фаолиятини нодавлат оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалаларини аниқ-равшан тартибга солувчи нормалар билан мустақамлаб қўйилаётганидир, — дейди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Солиев. — Бу жиҳат нодавлат матбуот нашрлари ҳамда телерадиокомпанияларига тенг шароит яратиш баробарида фикрлар хилма-хиллиги, эркин сўз очкилиги ва ошқоралигини ҳам таъминлайди.

Давра суҳбати қатнашчилари, шунингдек, сайлов кампаниясида иштирок этувчи нодавлат оммавий ахборот воситалари томонидан белгиладиган эфир вақти, нашр майдони учун ҳақ тўлаш шар-

тлари барча номзодлар ҳамда сиёсий партиялар учун бир хил бўлишини назарда тутувчи нормаларнинг қонун лойиҳасига киритилаётгани муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар. Халқаро тажрибага эътибор қаратсак, бундай норма Германия, АКШ, Буюк Британия ва Канада каби мамлакатларнинг сайлов тизимига оид қонун ҳужжатларида қатор йиллардан буён амал қилаётганини кўриш мумкин. Хусусан, Германия телерадиокомпаниялари мулк шаклидан қатъий назар, партияларга фақат ҳақ тўлаш асосида эфир вақтини беради. Лекин тўланадиган ҳақ миқдори барча партиялар учун бир хил бўлади. Матбуотда ва электрон ОАВда сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун тарифларнинг ўсишига йўл қўйилмаслигига доир бундай кафолатлар АКШ қонунларида ҳам мустақамлаб қўйилган.

Янги қонун лойиҳасида таъкид этилаётган яна бир ўзгариш бу сайловолди ташвиқотининг фақат сайлов кунига эмас, балки овоз бериш бошланишига бир кун қолганда тўхтатилиши лозимлигидир. Бундай норманин жорий этилиши сайловчиларга ўз қарашлари, сиёсий нукта назарларини белгилаб олиш, ким ва қайси сиёсий партия дастури учун овоз бериш масаласида онгли равишда қарорга келиш учун зарур бўлган қўшимча вақтни беради.

Қизғин баҳс-мунозаралар якунида қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича аниқ тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мутасаддилар ҳисоботи эшитилмоқда, уларга сўровлар юборилапти. Аммо...

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ

Жумладан, депутатлик гуруҳи йиғилишларида «Наслчилик тўғрисида»ги қонун қандай баъжарилаётгани бўйича туман ветеринария бўлими бошлиғи Отабек Худойбергенов, Президентимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни қўлайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан туман қишлоқ ва сўх бўлими бўлими бошлиғи Отабек Мискин, ижтимоий инфратузилма объектиларини барпо этиш ҳисобидан қишлоқ врачлик пункти, умумтаълим мактаблари, хизмат кўрсатиш ва сервис объекти қурилиши борасида капитал қўйилмаларини ўзлаштиришнинг аҳоли бўйича туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Омонбой Султоновнинг ҳисоботлари эшитилган.

«Наслчилик тўғрисида»ги қонун ижроси қандай таъминланаётгани бўйича ўтказилган эшитилган ҳудудда қатор ижобий ишлар амалга оширилаётгани маълум бўлди. Аммо айрим маълумотлар соҳага оид қонун ҳужжатларида чорвачиликда иш юритиш механизми, озуқа етиштиришнинг ўзига хос жиҳатлари, насли маҳсулотлар хусусиятлари, бозор муносабатлари шароитида си-

фатни назорат қилиш, ҳайвонларни идентификациялаш, наслчилик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, энг муҳими, жавобгарлиги етарли даражада акс эттирилмагани ҳам кўрсатмоқда. О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоларининг фикрича, қонунчиликда ана шундай камчиликлар соҳани жадал ривожлантиришда айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам депутатлик гуруҳи бундай тақлифларни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясига тақдим этиш лозим, деган қарорга келди.

— 2012 йилнинг 29 май кунги йиғилишимизда ҳам бир қатор мутасадди идоралар раҳбарларининг ахборотини эшитдик, — дейди халқ депутатлари Қўшқўпир туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Каримберган Қурбонбаев. — Хусусан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектиларини, транспорт ва коммуникациялар қурилишини жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларининг қўламини кенгайтиришга оид тақдирланган дастурга асосан туманда янги иш ўринлари яратишнинг аҳоли бўйича туман ободонлаштириш бўлими бошлиғи Каримберди Машарипов, «Мустақам оила йили» Давлат дастури доирасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари юзасидан туман иқтисодиёт бўлими бошлиғи Беҳзод Қаландаровнинг ҳисоботи шулар жумласидандир. Шунингдек, гуруҳимиз аъзолари депутатлик сўрови институти имкониятларидан ҳам самарали фойдаланаяптилар. Шу пайтгача давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимлик мутасаддиларига 15 дан ортиқ сўров юборилган бўлса, уларнинг 10 тасига асослангилар.

ган жавоблар олинди.

Шу ўринда Қўшқўпир туманидаги депутатларимиз депутатлик назорати бўйича амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка етказишда ҳам режа асосида олиб бораётганларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Жорий йилнинг иккинчи чорагида депутатлар томонидан марказий ва маҳаллий матбуот саҳифаларида ўнга яқин чиқишлар қилинган. Хусусан, депутатлик гуруҳи раҳбари Каримберган Қурбонбаевнинг туманда «Санитар-тозалаш корхонаси»ни ташкил этиш тақлифи илгари сурилган мақолада нафақат газетконлар, балки мутасадди идоралар томонидан ҳам кенг муҳокама қилинмоқда.

Шубҳасиз, Қўшқўпир туманида О'zLiDePнинг гоё ва мақсалларини илгари суриб, сайловчилар ишончини қозонган депутатларимизнинг юқоридагидек фаолиятини вилоятнинг барча ҳудудларига ўрнат сифатида кўрсатиш мумкин. Аммо масалага чуқурроқ назар ташласак, айрим ҳудудларимизда бўлганидек, Қўшқўпирда ҳам мутасаддилар ҳисоботини эшитиш, давлат идораларига депутатлик сўрови юбориш билан чекланиб қолиш ҳолатлари оз бўлса-да кўзга ташланмоқда.

Депутатларнинг ўзлари ҳам баъзи масалалар фақат депутатлик гуруҳи йиғилишларидагина муҳокама қилинаётганини таъкидламоқдалар. Ўйлаймики, халқ депутатлари Қўшқўпир туман кенгашидаги вакилларимиз ҳам ана шундай мулоҳазалардан тегишли ҳулоса чиқариб, асосий эътиборни кўпроқ электорат манфаати масалаларига қаратсалар, маҳаллий кенгашидаги депутатларимизнинг сайловчилар олдидаги юзи янада ёрун бўлади.

Матбуот марказида


Тиббиёт тизимида изчил ўзгаришлар давом эттирилади

Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан «Ўзбекистон тиббиётининг миллий модели: унинг ўзига хос жиҳатлари, халқаро эътирофлар ва истиқболдаги устувор вазифалар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди

— Бутун Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, шунингдек, республика ҳамда вилоятлар шовилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган мукамал тармоқ яратилди, — деди соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов. — Бундай натижаларга ҳукуматимиз томонидан аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техника базасини яхшилаш, жаҳон стандартлари даражасидаги тиббиёт марказларини барпо этиш ҳамда уларни жиҳозлашга қаратилган эътибор туфайли эришилди, албатта. Хусусан, ана шу мақсадлар учун 2009 йилда Инвестиция дастури доирасида 9,3 млрд. сўм, 2010 ва 2011 йилларда тегишли равишда 79,1 ва 130,0 млрд. сўм миқдорда маблағ сарфлангани, 2012 йилда эса ушбу кўрсаткични 256 млрд. сўмга етказиш режалаштирилаётгани фикримизга далоли бўлиши мумкин.

Тадбирда, шунингдек, ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш миллий модели, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича дастурлар ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва МДХ бўйича худудий идораси ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби нуфузли халқаро институтлар томонидан юқори баҳолангани, ўз навбатида, бошқа мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилгани таъкидланди.

Бундан ташқари, анжуманда соҳада амалга оширилиши кўзда тутилган ислохотлар, жумладан, республика миқёсида фаолият кўрсатаётган баъзи ихтисослашган тиббиёт мар-



казларини яқин йилларда акциядорлик жамиятларига айлантириш тўғрисида ҳам маълумот берилди.

— Ихтисослаштирилган марказларни акциядорлик жамиятларига айлантиришдан мақсад — ана шу масалаларда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини кўтариш, у ердаги моддий-техник базани мустақамлаш, энг асосийси, марказларга ўз-ўзини молиялаштириш имконини яратиб беришдан иборат, — дейди ССВ Иқтисодиёт, молия ва прогностика бўлими бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Ҳошимов. — Акциялар пакетининг 51 фоизи давлат ихтиёрида қолади, 49 фоизи эса сотувага қўйилади.

Муносабат

Янги йилда янги телеканалларни кутинг

2013 йилнинг январь ойидан бошлаб Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тасарруфида иккита янги телеканал иш бошлайди

Шукрат ХҲАЕВ,
«XXI ASR»

«Madaniyat va ma'rifat» ҳамда «Dunyo bo'ylab» деб номланган ҳар икки телеканал рақамли форматда бўлиб, уларнинг туну кун эфирга узатилиши режалаштирилмоқда.

Mtrk.uz сайти хабариди таъкидланганидек, Юртбошимизнинг 2012 йил 30 июлдаги «Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканалларини сонини ошириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш, сифатли боитиш ва хизмат кўрсатиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъмин-

лаш мақсадида ташкил этилган мазкур каналлар давлат унитар корхонаси сифатида иш олиб боради.

— «Madaniyat va ma'rifat» телеканални ижодкорларининг асосий мақсади аҳолининг маданий ва маърифий даражасини ошириш, ўсиб келаятган авлодда илмий кашфиёт ва билимлар, маданий қадриятларга бўлган қизиқишларни шакллантириш, халқимизнинг бой маданий ва маърифий меросини сақлаб қолиш ҳамда янада бойитишга қаратилган юқори баъдий қаратилган юқори-оммабоп ва маданий-маърифий теледастурларни яратишдан иборат, — дейди Ўзбекистон

миллий телерадиокомпанияси раиси Алишер Халжаев. — «Dunyo bo'ylab» телеканалининг ижодий ходимлари эса эфирга узатиладиган телекўрсатувлар орқали аҳоли, айниқса, ёшларнинг тарих, география, шунингдек, жаҳон халқларининг ўзига хос миллий анъаналари ва маданиятлари, наботот ва ҳайвонот оламнинг нақадар ноёблиги ҳақидаги дунёқарашини кенгайтиришга ҳаракат қилдилар.

Маълум бўлишича, «Madaniyat va ma'rifat» телеканалига 181 нафар, «Dunyo bo'ylab» телеканалига эса 152 нафар ижодий ходим танлов асосида ишга олинди.

КИЧИК САЙЁРА «МАЙДАНАК» ДЕБ НОМЛАНДИ

Халқаро астрономия иттифоқи яқинда япониялик олимлар томонидан чексиз фазода қомоқ қилинган янги кичик сайёра, яъни 22948-сонли астероидни Ўзбекистондаги обсерваторияга бағишлаб «Майданак» деб номлашга қарор қилди.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли «Майданак» обсерваторияси Самарқанд шаҳридан 120 километр жанубда жойлашган бўлиб, мазкур маскан у ердаги очик кунларнинг сони бўйича, шунингдек, мажмуадаги ускуналар орқали олинган суратларнинг сифати Канар ва Гавай оролларида фаолият кўрсатувчи халқаро обсерваторияларникидан қолишмайди.

Шу ўринда «Майданак» астероиди Қуёш системасидаги Ўзбекистон билан боғлиқ номлар билан аталган еттинчи кичик сайёра эканини айтиб ўтиш лозим.

Модернизация жараёни ва сиёсий партиялар

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Миродил АБДУРАХМОНОВ,
«XXI ASR»

Ваҳоланки, жаҳон тажрибаси ва мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижасида мулк ва мулкдорлик масаласининг узил-кесил ҳал этилиши тараққиёт ва фаровонликка элтувчи энг тўғри йўл эканини кўрсатаёпти. Шунинг учун ҳам истиқлол йилларида пайдо бўлган янги синф — мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилаётган O'zLiDeP бу борада хусусий сектор ривожига жараёнида давлат мулки ва давлат корхоналарининг улуши камайиб бориши, давлат асосан стратегик муҳим объектларга эгалик қилиши, бозор шароитларида йирик корхоналарнинг босқичма-босқич хусусийлаштирилиши, уларга хилма-хил асосдаги капиталнинг жалб қилиниши, турли моделлардаги хусусий ва давлат мулки мутаносиблиги таъминлиниши тарафдори бўлиб қолмоқда.

«Адолат» социал-демократик партияси эса иқтисодий соҳада партия фаолияти ижтимоий йўналиштирилган бозор иқтисодиётини чуқурлаштиришга қаратиб, у аҳолининг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлари турмуши сифати ва даражасини оширишдаги иқтисодий ўсиш натижаларини адолатли акс эттириши лозим, деб ҳисобламоқда.

«Миллий тикланиш» ёндашувига кўра, давлат бошқаруvinинг мақсадлари ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни диверсификация қилиши, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, миллий бозорни ҳимоя қилиши лозим. Бу эса давлат бошқаруви мазмурий ва иқтисодий чоралардан фойдаланишни кўшиб олиб бориш билан амалга оширилишини назарда тутди.

Маълумки, 2008 йилдан буён жаҳон иқтисодиётини турли синовларга дучор этган молиявий-иқтисодий инқироз даврида таниқти экспортлар хусусий секторнинг жамиятда тутган ўрни ва унинг ижтимоий масъулияти масаласига кўпроқ эътибор қарата бошладилар. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки жаҳон иқтисодиётда ўсиш суръати ва ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши, ишсизликнинг энг долзарб муаммога айлангани хусусий секторга турли преференциялар бериш тизимини такомиллаштириш баробарида бу қатлам имкониятларидан янада самарали фойдаланиш лозим, деган қатъий талабни кун тартибига қўйди. Кейинги пайтларда нафақат O'zLiDeP, балки узок вақт тadbirkorликка ўтай нигоҳ билан қараб келган ХДПнинг ҳам айна масалага нисбатан ёндашуви ўзгара бошлагани ана шу жараённинг натижаси, десак хато бўлмайди.

Ўзбекистонда ўтган йилларда давлат бош ислохотчи ва иқтисодий эркинликлар кафолатчиси сифатида хусусий секторнинг барқарор ривожланишига кенг йўл очиб, хусусий тadbirkorликнинг оёққа туриб олишига мустаҳкам замин яратилди. Агар 1991 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотига хусусий секторнинг улуши атиги 1 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 54 фоизга етди.

Зеро, Юртбошимиз истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизларига тўхталиб, инсоннинг ўз имкониятларини



АММО АНА ШУ ТАДБИРЛАРДАН КЕЙИН ЖОЙЛАРДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР ЮЗ БЕРДИ, АНИҚЛАНГАН КАМЧИЛИК ВА НУҚСОНЛАР ҚАЙ ДАРАЖАДА БАРТАРАФ ЭТИЛДИ, ДЕГАН САВОЛЛАРГА ҲАР ДОИМ ҲАМ ТўЛИҚ ЖАВОБ ҚАЙТАРИЛМАЭТГАНИ, ЭНГ АВВАЛО, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯЛАРИ ИШИНИ КЕСКИН КУЧАЙТИРИШ, ШУ ЙўЛ БИЛАН МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР РОЛИНИ ОШИРИШ ЛОЗИМЛИГИДАН ДАЛОЛАТ БЕРМОҚДА.

ни эркин намоён этишига кенг йўл очиб бериш зарурлигини таъкидлаган эдилар.

Аммо ана шундай тарихий тажриба, ўтган йиллар мобайнида эришилган натижаларга қарамай, айрим партиялар, айниқса, ЎзХДП барча соҳа ва тизимларда бўлганидек, иқтисодиётда давлат таъсирини кучайтириш тарафдори бўлиб қолмоқда. Тўғри, дунё тажрибаси ҳар қандай жамиятда сўл сиёсий кучлар ана шундай кайфиятдан халос бўлолмаётганликларини, вазиётга қараб турланиш, муросазлик уларга хос одат эканини кўрсатаёпти. Бир тadbirkor хусусий секторни қўллаб-қувватлаш лозимлиги хусусида баландпарвоз маърузалар ўқилса-ю, бошқа бир даврда тadbirkorлик тузилмалари устидан назоратни кучайтириш талаб этилишини ҳақиқатан ҳам изоҳлаш қийин.

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор йўналишлар, қонунчилик ташаббуслари сиёсий партияларга давлат дастурлари ва йирик лойиҳалар ижроси юзасидан ҳукумат аъзолари, вазирлик ва бошқа давлат идоралари раҳбарлари ҳисоботини эшитиш учун кенг ваколатлар берилди.

Концепция айна пайтда маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари фаолиятига ҳам илҳомий таъсир этганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, ҳудудларда ҳам давлат дастурлари ва қонунлар ижросини назорат қилиш билан боғлиқ тadbirkor сони орди. Энг муҳими, бу жараёнда сиёсий партияларнинг электротат манфаатини ҳимоя қилиш имконияти кенгайди.

Таъдилчиларнинг фикрича, 2011 йил давомида Қонунчилик палатаси даражасида 7 та, қўмиталар даражасида эса 10 дан ортиқ парламент эшитувлари ташкил этилган. O'zLiDeP фракцияси аъзолари етакчилик қилаётган қўмиталарнинг ўзидаги парламентнинг назорат таҳлил фаолияти билан боғлиқ 20 га яқин тadbirkor ўтказилган.

Аммо таҳлилчилар давлат тузилмалари раҳбарларининг уларга ишониб топширилган тармоқларда қонун ижроси юзасидан ҳисоботларини эшитиб боришдаги ишлар

ҳали-ҳануз талаб даражасида эмаслигини таъкидлаётганлар.

Шу ўринда парламент эшитувларида давлат дастурларининг бир қатор вилоятлардаги ижроси, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, у ёки бу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг натижаларига аксарият ҳолларда танқидий ёндашилганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, 2011 йилда бу борада деярли барча вилоят ҳокимликлари мутасаддиларининг маълум бир масалалар юзасидан ҳисоботлари эшитилди. Аммо ана шу тadbirkorлардан кейин жойларда қандай ўзгаришлар юз берди, аниқланган камчилик ва нуқсонлар қай даражада бартараф этилди, деган саволларга ҳар доим ҳам тўлиқ жавоб қайтарилмаётгани, энг аввало, сиёсий партиялар ва уларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари ишини кескин кучайтириш, шу йўл билан мамлакатни модернизация қилиш жараёнида сиёсий партиялар ролини ошириш лозимлигидан далолат бермоқда.

Жойларда ўтказилаётган аксарият тadbirkorларда эса қўллаб-қувватлаш Концепцияда белгилаб берилган янги қонун лойиҳаларининг мақсади ва мазмуни-моҳиятини кенгроқ тушуниришда депутатлар корпуси асосий тарғибчи айланиши кераклигини таъкидлаётганларини ҳам ёддан чиқармаслик лозим. Бу эса ана бир бор депутат ва сайловчи муносабати, таъбир жоиз бўлса, қамқорлигини янада яхшилаш лозимлигини айтганда. Тўғри, кейинги пайтларда сиёсий партиялар вакиллари ўз электротати билан жойларда қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш тажрибасидан кенг фойдалана бошладилар. Хусусан, 2011 йил давомида O'zLiDeP фракцияси аъзолари қонунлар ишлаб чиқиш, уларнинг жойлардаги ижроси устидан жамоатчилик ва парламент назорати ўрнатишга ҳамда жойларда янги қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган 60 дан ортиқ тadbirkor ўтказилди. Бу жараёнда сайловчилар ва электротат аъзоси бўлган ўрта синф вакилларидан юзлаб тақлифлар билдирилгани эса бу тажрибани изчил давом эттиришнинг тақозо этмоқда.

Юртбошимизнинг 2010 йил 27 январдаги парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган фикрларни ёдга олсак, унда парламент ислохотларнинг етакчи кучига айланиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратилганини кўралик.

Хўш, ўтган даврда парламент ҳақиқатан ҳам ислохотларнинг етакчи кучига айлана олди? Сиёсий партиялар ўз электротатини ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни чуқурроқ ўрганиш юзасидан ҳисоботлари эшитилди. Аммо ана шу тadbirkorлардан кейин жойларда қандай ўзгаришлар юз берди, аниқланган камчилик ва нуқсонлар қай даражада бартараф этилди, деган саволларга ҳар доим ҳам тўлиқ жавоб қайтарилмаётгани, энг аввало, сиёсий партиялар ва уларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари ишини кескин кучайтириш, шу йўл билан мамлакатни модернизация қилиш жараёнида сиёсий партиялар ролини ошириш лозимлигидан далолат бермоқда.

лоийҳалар ва ҳудудий дастурлар ижроси юзасидан олиб борилаётган назоратни суъайтиришга олиб келаяпти, холос.

Айрим сиёсий партиялар фаолларининг партиянинг Сайловли платформаси ва дастурда белгилаб олинган устувор вазифаларга етарлича эътибор қаратмаётганлари ҳам юқоридагидек муаммоларнинг асосий сабабларидан бирига айланаёпти, десак хато бўлмас. Мана, бир мисол: агар ЎзХДП фаолиятига доир янгилик ва ахборотлар таҳлил этилса, айнан мазкур партия электротати билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинган маълумотлар деярли учрамаётганига гувоҳ бўламиз. Партия наشري ташаббусларидан кўра қандай таъбирларга банк сертификатлари тарқатилаётгани-ю, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор акс эттирилаётганини кўриш мумкин. Лекин партия дастурда қайд этилган қўллаб-қувватлаш масалалар негацир эътиборда четда қолмоқда. Албатта, бундай «арзимас» камчиликлар барча партияларга хос эканини ҳам таъкидлаш жоиз. Энг ёмони, сиёсий партиялар фаолиятида бундай ташаббуслар қаратилган эътибор акс эттирилаётганини кўриш мумкин. Лекин партия дастурда қайд этилган қўллаб-қувватлаш масалалар негацир эътиборда четда қолмоқда. Албатта, бундай «арзимас» камчиликлар барча партияларга хос эканини ҳам таъкидлаш жоиз. Энг ёмони, сиёсий партиялар фаолиятида бундай ташаббуслар қаратилган эътибор акс эттирилаётганини кўриш мумкин.

Депутатлар 2011 ва жорий йилнинг ўтган даврида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Концепция асосида 14 та қонун қабул қилиниб, уларнинг 7 таси амалиётга жорий қилинганини таъкидламоқдалар.

Концепцияда 28 та янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш белгиланган бўлиб, унинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви йўналиши асосида 4 та, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш йўналишида 6 та, ахборот соҳасини такомиллаштириш ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишида 4 та, демократик бозор ислохотларини янада ривожлантириш ва иқтисодиётни либераллаштириш йўналишида 14 та қонунни қабул қилиш кўзда тутилган эди.

Мутахассислар, экспертлар ва амалётчилар иштирокид ташкил этилган 650 дан ортиқ муҳокамаларда қонун лойиҳаларини такомиллаштириш билан боғлиқ 7 миңдан зиёд тақлифлар жамлангани айтилмоқда.

Маълумки, ҳар қандай давлат ва жамиятда парламент — сиёсий партияларнинг муҳокама қилиш тажрибасидан кенг фойдалана айланади. Ана шу майдонда бутун турли давлат идоралари, вазирлик ва қўмиталарнинг мутасаддилари ҳисоботини эшитиш, парламент эшитувлари натижаларини муҳокама қилиш илҳом қўйди. Аммо айрим таҳлилчилар ана шундай тadbirkorлар натижаси талаб даражасида назорат қилинмаётганини, бу жараёнда сиёсий партияларнинг жойлардаги вакиллари, маҳаллий кенгашдаги депутатлар етарлича жалб этилмаётганини таъкидламоқдалар. Бундай эътиборсизликлар эса охири-оқибатда йирик



Бўш иш ўринлари масаласида «Аёллар қаноти»га мурожаат қилинг

«Мустаҳкам оила йилида партиянинг «Аёллар қаноти» томонидан илгари сурилаётган ижтимоий лойиҳалар хотин-қизлар ўртасида тadbirkorлик кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётир

Наргиза КАҲҲОРОВА,
«XXI ASR»

Ҳаёт — ўзига хос кўзгу. Истиқлол шарофати билан бирга соҳада янгидан-янги имкониятлар вужудга келмоқда. O'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» бўлими томонидан амалга оширилаётган ишларни кузатарканмиз, опа-сингилларимизнинг партиявий лойиҳаларда фаол иштирок этаётганликларига ишонч ҳосил қилдик.

Хусусан, уй бекаларини кичик бизнес ва тadbirkorлик фаолиятига кенг жалб этишга қаратилган «Тadbirkorликдан — мустаҳкам оиллага» лойиҳаси жойларда катта қизиқиш билан қўллаб-қувватланмоқда. — Бутунги бозор иқтисодиёти шароитида оилада мустаҳкамликни кўн жидатдан уларнинг молиявий барқарорлигига боғлиқ, — дейди партия вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» бўлими мудири Г.Тураева. — Уй бекаси саранжом-саришта, уздабурон ва тежамкор бўлса, бир сўм икки сўмга айланади. Рўзгорга барака кирди. Шу боисдан биз жойларда бўларканмиз, хотин-қизларнинг иқтисодий маданиятини оширишга, уларнинг тadbirkorликка оид билим ва кўникмаларини такомиллаштиришга ҳарқат қилаёмиз.

Чиндан ҳам бутун вилоятда эркин меҳнат фаолияти учун кенг йўл очилган. Партия электротатини ташкил этувчи тadbirkor ва ишбилармонлар сафи кенгайиб бормоқда. Улар орасида хотин-қизлар ҳам оз эмас, албатта. Жумладан, ҳозирги кунда 1116 нафар аёл фермерлик ва тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланмоқда. «Аёллар қаноти» бўлими ташаббуси билан йилнинг ўтган даври мобайнида улардан 10 нафари вилоят тижорат банклари томонидан 100 млн. сўмдан ортиқ имтиёзли кредит билан таъминланди.

— Туманимизда деҳқончиликни ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди китоблик фермер Насиба Нурова. — Жорий йилда зироатчиликка оид бизнес лойиҳамиз партия туман кенгашининг «Аёллар қаноти» бўлими томонидан энг яхши деб топилди. Натижада «Микрокредитбанк»нинг туман бўлимида 18 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олиш ва 5

гектар ерда картошка етиштириш имкониятига эга бўлдик. Шаҳсан ўзим «Тadbirkorликдан — мустаҳкам оиллага» лойиҳасининг туман босқичида ғолиб чиқиб, вилоят босқичида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритдим. Агар бизнес лойиҳам вилоят ва республика миқёсида ҳам маъқул топилса, яна 50 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиш ва қўшимча 10 та янги иш ўрни яратиш имконияти туғилади. Бир сўз билан айтганда, «Аёллар қаноти»нинг тadbirkorликни ривожлантириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини оширишга қаратилган интилиш ва изланишлари эътиборга лойиқдир. Айни кунда уй бекалари оилавий тadbirkorлик, дунармандчилик, кенсаначилик соҳаларига кенг жалб этилмоқда. Хусусан, тadbirkorлик субъектлари ва фермер ҳўжаликларида мавжуд бўлган бўш иш ўринларига оид маълумотлар базасини яратишга жиддий киришганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Партия вилоят кенгаши раиси ўринбосари Исмигул Хушмуродованинг фикрича, бу тегишли мутахассисликка эга бўлган аёллар, касб-ҳунар коллежлари биттирувчиларини ўз йўналишлари бўйича ишга жойлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

— Иқтисодиётимиз ривожлангани сари етуқ, малакали мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёж ортиб бормоқда, — дейди И.Хушмуродова. — Шундай бўлса-да, бандлик муҳим ҳаётий муаммолардан бири бўлиб қолаётир. Айниқса, касб-ҳунар коллежларини тугатган қизларимизни ўз вақтида иш билан таъминлаш катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Билсангиз, бу ёш оилалар ўртасидаги ажримларнинг камайишига ҳам ёрдам беради. Чунки ҳозирги кунда турли оилавий нохушликларнинг келиб чиқишига асосан боқимандалик кайфияти сабаб бўлаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли биз асосий эътиборни бандлик масаласига қаратаёмиз. Бу борада тadbirkor, ишбилармон аёлларимиз яқиндан ёрдам кўрсатишмоқда. Бутунги кунга қадар улар кўмағида 250 дан ортиқ янги иш ўрни яратилганлиги таҳсинга лойиқдир.

Дарҳақиқат, вилоятда партия гоиларига содиқ, фидойи ва ташаббускор аёллар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Уларнинг сўй-ҳаракати билан ислохотлар жадаллашиб, ҳаётимиз тобора янги мазмун касб этаётир. Зеро, рўзгоридан кўнгли тўқ одамгина унумли меҳнат қилади ва жамиятга наф келтиради.

Бунёдкорлик мўъжизаси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀



Зумрад АБРОРОВА,
«XXI ASR»

Кейинги йилларда улар турини янада кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва халқаро стандартларга мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш дастурлари бўйича бир қатор модернизациялаш ишлари амалга оширилди. Хусусан, юқори октанли «Аи-91», «Аи-93», «Аи-95» русумли автобензинлар ёнилғиси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2006-2008 йилларда дизель ёнилғисини экологик жиҳатдан сифат кўрсаткичларини яхшилаш борасида олиб борилган ишлар натижасида 2008 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб жаҳон стандартларига мос ва совуқ ҳароратта чидамли ёнилғиларни тайёрлаш технологиялари ўзлаштирилди.

2007-2009 йилларда «Боинг» ва «Аэробус» русумли ҳаво лайнерларига мўлжалланган «Джет А-1» русумли авиация ёнилғисини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган завод тарихидаги катта воқеалардан бирига айланди. Цехларнинг технологик

инфраструктураси модернизация қилинди ва резервуарлар янги авиация ёнилғисини сақлашга мослаштирилди. Корхона марказий лабораториясида авиация ёнилғисини ASIM (АҚШ) стандартлари услубида синовдан ўтказиш учун алоҳида замонавий лаборатория жиҳозланди.

Замон билан ҳамнафас иш олиб бориш, жаҳондаги энг илғор таъриба ва технологияларни ўрганиб чиқиб, ишлаб чиқаришга жорий этиш завод раҳбарияти ва инженер-техник ходимларнинг доимий диққат-эътиборидадир. Масалан, 2009 йил август ойидан бошлаб DEF STAN 91-91 Британия ва ASTM В 1655 халқаро стандартларига тўлиқ жавоб берадиган ва айрим кўрсаткичлар бўйича улардан устунроқ бўлган «Джет А-1» русумли авиация ёнилғисини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун норматив ҳужжатлар тайёрланди ва шу асосда ишлаб чиқарилаётган аъло сифатли ёнилғи «Ўзбекистон ҳаво йўллари» истеъмолчиларига тақдим берилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга

БУГУН ОНА-ДИЁРИМИЗДА ТИНЧЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИКДА ЯШАЁТГАН ҲАР БИР МИЛЛАТ ВАКИЛИ ЎЗ ТАҚДИРИНИ ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ ИЛА ЯРАТИЛГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР БИЛАН БЕЖИЗ БОГЛАМАЯПТИ. ЗЕРО, ЮРТБОШИМИЗ РАҲНАМОЛИГИДА УЗОҚНИ КЎЗЛАБ АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР ИНСОН ВА УНИНГ МАНФААТЛАРИГА ҚАРАТИЛГАН БИЛАН ҲАМ НИҲОЯТДА АҲАМИЯТЛИДИР.

мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори бажарилишига биринчи марта бўлиб киришган завод мутахассислари белгиланган муддат сифат тизимини бошқариш халқаро ISO 9001:2008, халқаро хавфсизлик ва саломатлик бўйича OHSAS 18001:1999 халқаро стандартлари, аэрокосмик сериясидан сифат тизимини бошқариш талабларига жавоб берадиган AS9100b халқаро стандартлар ҳамда экология тизимини бошқариш бўйича ISO 14001:2002 стандартини жорий қилиши. Айни пайтда мажмуа 4 та халқаро стандартлар сертификатига эга бўлган Марказий Осиёдаги ягона корхонадир.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар, тинимсиз изланишлар туфайли Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи республикамиз истеъмолчиларига 60 фоиздан ортиқ бензин, 35 фоиздан зиёд дизель, 26 фоизга яқин дизель ёнилғиси ва бошқа турлига нефть маҳсулотларини етказиб бермоқда. Биргина 2011 йилнинг ўзида солиштирма нархларда 995,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2010 йилга нисбатан 102,6 фоиз ўсшига эришилди. Истеъмолчиларга 332,9 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари етказиб берилди ва белгиланган режа 116,1 фоизга бажарилди. Ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш мақсадида толинган асосида хизматлар кўрсатилаётгани боис четдан валюта тушумига эришилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, 2012-2016 йилларда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг қиймати 475 млн. АҚШ долларига тенг бўлган иккинчи навбат ҳам барпо этилади. Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосини тайёрлаш ишлари жорий йил охирида аяқланиб, 2013 йилдан бошлаб объектида умумий қурилиш ишлари бош-

ланади.

Шу ўринда иккинчи навбатни барпо этиш лойиҳаси йилига 960 минг тонна бензин, 706 минг тонна дизель ёнилғиси ва 250 минг тонна Евро-3 стандартидаги авиакеросин ишлаб чиқариш имконини беришини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Лойиҳани амалга ошириш ишлари заводда тинч нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини 95 фоизгача етказиш ва Евро-3 стандартлари бўйича юқори октанли бензин компонентларини ишлаб чиқаришини ўзлаштириш дастури доирасида амалга оширилмоқда. Қайта ишлашнинг лойиҳавий қуввати эса йилига 2,5 млн. тонна газ конденсатини ташкил этади.


«Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури» асосида лак-бўёқ ишлаб чиқарувчи корхоналар учун зарур хом ашё — углеводород эриттичи ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши ҳам корхона имкониятларини сезиларли даражада оширди.

Маълумки, корхона фаолиятини мунтазам ривожлантириб бориш ва келажагини белгилаш бевосита мутахассис кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Уларни жой-жойига қўйиш, малакасини ошириш ва ўқитишни ташкил қилиш корхона раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида. Бугун она-диёримизда тинчлик ва хотиржамликда яшаётган ҳар бир миллат вакили ўз тақдирини истиқлол шарофати ила яратилган шарт-шароитлар билан бежиз боғламапти. Зеро, Юртбошимиз раҳнамолигида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар «инсон ва унинг манфаатлари»га қаратилгани билан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Мазкур корхонанинг 3270 кишилик аҳил жамоаси ҳам ўз тақдири ва бахтини Ватан равақида боғлаб, ҳалол меҳнат ортдан бахту саодат топмоқда. Бу эса ушбу жамоанинг «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан» шiori мазмун-моҳиятини чуқур англаётганидан ҳам далолатдир.

Яна бир эътиборли жиҳат: заводда ёш кадрлар тайёрлаш масаласига ўта жиддий эътибор қаратилади. Шу мақсадда Бухоро юқори технологиялар ва муҳандислик-техника, Тошкент кимё технологиялари институти ва Тошкент Давлат техника университети билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган бўлиб, 282 нафар талаба ишлаб чиқариш ва битирув-малакавий ишлари олди амалиётларини бевосита заводда ўтамоқда. Бундан ташқари, Бухоро нефть ва газ саноати ҳамда Қоровулбозор саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежларининг талабалари ишлаб чиқариш амалиётларини мазкур корхонада ўтаб, дастлабки кўникмаларга эга бўлишапти. Ўтган йили ушбу дароҳларнинг 35 битирувчиси 3 томонлама шартнома асосида ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланди.

Корхонанинг иқтисодий имкониятлари ортиб боргани сари ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва турмуш тарзини янада яхшилашга бўлган интилиш ҳам кучаймоқда. Қолаверса, заводнинг ишга туширилиши бугун шаҳарча қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Бу ерда амалга оширилган ободончилик ишлари ва янги барпо этилган инфраузилма нархат нафақат нефтчилар, балки туман аҳолисининг турмуш тарзига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ишчилар шаҳарчасида бунёд этилган, барча қулайликларга эга 700 та турар-жой кotteджи, замонавий манший ва маданий биноларда барча шарт-шароит мўҳайё. 2011 йилнинг ўзида 35 та турар-жой кotteджлари қуриб битказилиб, корхона ишчи-хизматчиларига топширилди.

Заводда ишлаётганларнинг барчаси йилига бир, хотин-қизлар эса икки мартаба тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилапти. Ўтган йили мазкур тадбирлардан сўнг 246 ишчи-хизматчи республикамизнинг турли сийҳатгоҳларида ўз саломатликларини тиклаб қайтдилар. Юқорида таъкидланганидек, корхонада ёш кадрларга алоҳида эътибор қаратилади. Уларни азалий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, истиқлол шарофати билан барпо этилган иншоотлар би-



лан яқиндан таништириш мақсадида Қарши, Хоразм, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларига саёхатлар уюштирилди. Ёш мутахассисларни эса мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналаридаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан таништириш мақсадида «Шўртан газ-кимё мажмуаси», «СамАвто» ОАЖ, Олмалиқ кон-металлургия комбинати сингари корхоналарга саёхатлар уюштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги фармони асосида икки йил давомида уй-жойга муҳтож ёш оилаларнинг 30 нафарига янги турар-жой кotteджлари ажратилгани эса маҳаллий ишчилар сулоаларининг юзага келиши учун пухта замин яратмоқда.

Бугун Қоровулбозор туманидаги «Нефтчилар шаҳарчаси»да бўлган одам бу ердаги шарт-шароитни кўриб ҳавас қилиши турган гап. Айниқса, «Ёшлар маркази», шаҳарча микроклиминини юмшатиш ҳамда аҳоли дам олиши учун 110 минг куб.метр сув сифмига эга, умумий майдони 12 гектардан иборат «Сунъий қўл», «Ҳаммом-соғломлаштириш мажмуи», концерт майдончалари катта шаҳарчалардан сира қолишмайди.

720 ўринга мўлжалланган замонавий «Маданият саройи», Деҳқон спорти, ёпик чўмилиш ҳавзаси, спортнинг гимнастика, волейбол, баскетбол, оғир ва енгил атлетика, шарқ яққаураши бўйича тўғараклари ўзида қамраб олган «Спорт-соғломлаштириш мажмуаси», «Ёшлар меҳмонхонаси» ҳамisha гавжум. Бундан ташқари, замон талабларига мос келадиган «Спорт майдони мажмуаси» (стадион), «Ёшлар аттракцион боғи», замонавий кўп қаватли турар-жой бинолари қурилаётгани корхона келажаги янада порлоқ эканидан далолатдир.


Айниқса, «Маданият саройи» нефтчилар фахри ҳисобланади. Бу ерда нафақат завод ишчи-хизматчилари, балки Қоровулбозор аҳлининг маданий ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар мўҳайё. «Сарой»да маънавият хонаси, рақс зали, музей, ахборот-ресурс маркази, компьютер, рақс ва мусиқа йўналишларидаги тўғараклар аҳоли, хусусан, ёшлар хизматига шай. Ҳозирда ҳар бир тўғаракда ўртача 40 нафар ўқувчи қатнашиб, жами 200 нафар талаба ўзларининг бўш вақтларини мазкур билим ҳалқаларида мазмунли ва ҳар жиҳатдан фойдали ўтказиб келишмоқда. Тўғарак раҳбарлари ўқувчилари-


мизга мустақил Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши ва камол топиши учун юксак маънавият, баркамол ёш авлодларимиз олдига жуда катта масъулият турганлигини ёшлар онгига сингдиришмоқда.

Айниқса, замонавий технологиялар асосида жиҳозланган ахборот-ресурс маркази ўзининг деярли 233 миллион сўмлик қийматдаги, қарийб 45 фоиз чет тилларида бўлган 6496 та илмий-оммабоп ва махсус адабиётлар хазинаси билан 756 нафар доимий фойдаланувчининг иккинчи уйига айланган. Кутубхоначи Муқаддас Менглиева ушбу маданият ва зие мактабининг намунали фаолият юритиши учун масъул. У ҳар бир китобхоннинг талабларидан келиб чиққан ҳолда уларни мутолаага қизиқтиради, адабиётнинг сеҳрли дунёсига олиб киради. Вақти-вақти билан ўқув залида адабиёт ва китобхонлик кечалари уюштириб туради. Бу ерда ўтказилган «Конституциямиз — бахтимиз қомуси», «Серкўёш хур ўлкам» мавзуларида давра суҳбатлари, таъкид эъзуви, шоирлар ҳаёти ва ижодида бағишланган ижодий кечалар, «Ёш расом» кўрик-танловлари шулар жумласидандир.


Корхонада аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаган. Янгидан қурилган чорвачилик фермасига яқинда хориждан 1018 бош зотдор қорамол етказилди. Улардан соғиб олинаётган сут қайта ишланиб, завод ишчи-ходимлари ва халқимиз дастурхонада етказиб берилмоқда. Ўн гектар майдондаги замонавий иссиқхонада помидор ва бодринг маҳсулотлари етиштирилапти. Ўн гектар майдонда барпо этилган интенсив мевали боғда чет элдан келтирилган 228 минг дона мева кўчатлари парваршиланапти.

Бир сўз билан айтганда, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи бор-йўғи 15 йил аввал ишга тушган бўлишига қарамадан, Бухородаги улкан саноат мажмуаси сифатида миллий иқтисодиётимиз устунларидан бирига айланишга улгурди. Президентимиз Қоровулбозорда бўлганда, бу ердаги юртдошларимиз матонати ва мардлигини алоҳида эътироф этиб, улар бунёд этаётган иншоотлар ва борроғлар ҳали қўллаб авлодларга хизмат қилишини таъкидлаган эдилар. Ишончимиз комилки, мустақиллик шарофатидан бунёдга келган ушбу иншоот узоқ йиллар давомида Ватанимиз иқтисодий қудратини намоийш этган ҳолда такомиллашиб бораверади.





ОЛМАЗОР ТУМАНИДАГИ «Умидли сана» МЧЖда БПТ раислари иштирокида оилавий тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш масаласига бағишланган очик мулоқот бўлиб ўтди.



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚУВА ТУМАН КЕНГАШИДАГИ О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси, коммунал хизмат кўрсатиш корхонаси қошидаги БПТ рахбари Норматжон Абдуллаев кўтарган масала туман сессияси муҳокамасига киритилди.



БУХОРО ШАХРИДАГИ «Саноат гилам» қўшма корхонаси қошидаги БПТда «Бошланғич ташкилот - партия асоси: имкониятлар таҳлили ва фаолиятни такомиллаштириш» мавзuida махсус партиявий акция ташкил этилди.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

34 (458)-сон

e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, veb sayt: www.21asr.uz

2012 йил
23
август,
пайшанба


Депутатларга қуйи бўғин узоқлик қилаяптими?

Таҳлилчилар жиддий сиёсий тадбирларни ҳам қизиқарли ва оммабоп тарзда ўтказиш яхши самара беришини таъкидламоқдалар

Абулфайз САЙИДСКАРОВ,
«XXI ASR»

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи қошидаги О'zLiDeP бошланғич ташкилоти аъзоларининг бу борадаги тажрибаси оммалаштиришга арзийди. Сабаби ушбу БПТ фаоллари тарғибот-ташвиқот ишларини имкон қадар қизиқарли ўтказишга интилишади.

— Жамоамизда 1000 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг 202 нафари О'zLiDeP аъзосидир, — дейди БПТ раиси, завод директори ўринбосари Мавжуда Хурсанова. — Бошланғич ташкилотимиз 2009 йилда ташкил этилганида партия аъзолари бор-йўғи 14 киши эди. Айни кунда юзлаб партия аъзоларини ягона мақсад йўлида жипслаштирган йирик ташкилотга айландик. Фаолларимиз корхонада жамоавий руҳни янада кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Хусусан, ёшлар ва хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш мақсадида турли мусобақалар ўтказиш ташаббуслари билан чиқмоқдалар. Масалан, яқинда корхона аёллари ўртасида ўтказилган «Граунд голф» беллашуварларида заводдаги жами 32 та цехдан биттадан вакил иштирок этиб, жамоадоллари шафари ниҳоят ҳимоя қилишди. Мусобақа иштирокчилари ҳали унчалик тажрибага эга бўлмасалар-да, ўзларининг ҳар томонлама соғлом эканликларини



кўрсата олдилар.

— Мен ўзим партия аъзоси эмасман, — дейди мусобақада 2-ўринни олган иштирокчи, маъмурий хўжалик бўлими бошлиги Лолахон Солиева. — Спорт тадбири баҳонасида О'zLiDePнинг гоё ва мақсадлари билан яқиндан танишишга муассар бўлдим. Партия фаолияти, ундаги имкониятлар ҳақида бевосита маълумот олдик. Бутун менда шу партияга аъзо бўлиш истаги пайдо бўлди.

Шу ўринда бошланғич ташкилотнинг бошқа жамоат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳам ҳамкорликка жиддий эътибор қаратаётганини таъкидлаш жоиз. Ушбу тадбир ҳам Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи бирлашган касба уюшмаси, О'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши «Аёллар қаноти», Хотин-қизлар қўмитасининг корхонадаги

бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда ўтказилган айни мулоҳазаларга мисол бўлиши мумкин.

Танганинг икки томони бор, деганларидек, ушбу БПТ фаолиятига ҳалал бераётган айрим жиҳатлар борлигидан кўз юммаслик керак. Хусусан, юқори партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳларининг БПТ билан алоқалари етарли йўлга қўйилмаган. БПТ фаоллари партия ҳаёти, қабул қилинаётган қарор ва янгилар ҳақида бошқа манбалардан маълумот излашга мажбур бўлишади. Аслида партиявий ишлар ва қарорлар қабул қилиш бўйича илк қадамлар қуйидан — электротатга энг яқин бўлган БПТлардан бошланиши лозим бўлса-да, аксарият масалалар юқоридан — партия аъзоларининг иштирокисиз ҳал қилинапти.

Депутатлар фақат сайлов арасида халқ билан учрашишга «вақт топишадилар», холос. Бундан ташқари, партия маҳаллий кенгаши БПТ фаолиятини такомиллаштириш, йўл-йўриқ кўрсатиш, партия аъзолари сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, улардан муносибларнинг кадрлар захирасига олиш борасида ҳам бирор амалий ишга қўл уришмаган. Бундай масалаларда ҳам БПТ фаоллари фақат ўз имконият ва салоҳиятларига суньямоқдалар.

Агар О'zLiDePнинг шаҳар ва вилоят ташкилотлари айни масалаларга ижобий ечим топсалар, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи қошидаги О'zLiDeP бошланғич ташкилоти салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш имкони яратилиб, жойларда партия мавқеини янада оширишга хизмат қилган бўлар эди.

«Аёллар қаноти»

Навоий вилояти Маълумки, «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳаси жойларда хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш имкониятини кенгайтирмоқда. Бу борада «Аёллар қаноти»нинг ҳиссаси катта бўлаётир. Жумладан, Кармана туманида ўтказилган «Бизнес-режа тузиш ва уни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш» мавзuidaги навбатдаги тадбир ҳам аёлларнинг меҳнат фаоллигини ошириш, улар ёрдамида чекка ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш масалаларига бағишланди.

Тошкент вилояти Пискент туманининг «Муминобод» ҚФЙ қошидаги БПТда ташкил этилган йиғилиш «Оилавий тадбиркорлик — аёллар бандлигини таъминлашда муҳим омили» мавзuida бағишланди. Унда кун тартибидеги масала юзасидан атрофлича фикр юритилиб, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини оширишда бошланғич ташкилотлар катта аҳамият касб этиши таъкидланди.

Мулкдор — юрт таянчи

Дунё миқёсида иқтисодий инқироз ҳали-ҳануз давом этаётган бир шароитда мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратишга бирламчи эътибор қаратилмоқда

Мансур АСЛОНОВ,
«XXI ASR»

— Дастурхон тўқинлиги, юрт ободлиги йўлида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларда партия фаолларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, — дейди Конимех туманидаги деҳқон ва фермер хўжаликлари бошланғич ташкилоти раиси Тойир Жамолов.

Айни пайтда туманда партиянинг 375 нафар аъзоси бўлиб, улар 18 та бошланғич ташкилотга уюшган ҳолда фаолият олиб бормоқдалар. О'zLiDePнинг дастурий вазифаларини амалга ошириш электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, сафдошлар сафини кенгайтириш, гоёвий-сиёсий ишлар самаралорининг таъминлаш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

— Деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллари 30 нафари партия-миз аъзоларидир, — дейди О'zLiDeP туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Гўлсара Бекмуродова. — О'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан

Мамлакатимизда мулкдорлар синфини шакллантириш, уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўламини кенгайтириш муҳим дастурий вазифалардан бири қилиб қўйилган. Бу эса янги-янги ташаббусларга йўл очмоқда. Узоққа бормайлик: Т.Жамолов ҳам яратиб берилган имкониятлардан фойдаланиб, 2004 йилда фермер хўжалигини ташкил этди. Айни кунда бу ерда 117 бош қорамол, 450 бош қўй-қўзи парваришланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 43 тонна сўт, 3,5 тонна гўшт тайёрланди. АТБ «Микрокредитбанк»нинг туман филиалидан олинган 50 миллион сўм кредит эвазига бир кечакундузда 500 литр сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлган цех фойдаланишга топширилди. Ҳозирги пайтда бу ерда 5 турдаги маҳсулот тайёрланиб, истеъмолчиларга пешма-пеш ет-



ши ташаббуси билан жойларда уюштирилаётган «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари», «Ишбилармон талаба», «Диплом билан — бизнест» лойиҳалари тақдимотлари ҳам қутилган самара бермоқда. Бу каби тадбирларда халқ депутатлари туман кенгаши депутати Тойир Жамолов етакчилигидаги БПТ аъзолари алоҳида ўрнат бўлишади.

— Деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллари 30 нафари партия-миз аъзоларидир, — дейди О'zLiDeP туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Гўлсара Бекмуродова. — О'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан

Мамлакатимизда мулкдорлар синфини шакллантириш, уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўламини кенгайтириш муҳим дастурий вазифалардан бири қилиб қўйилган. Бу эса янги-янги ташаббусларга йўл очмоқда. Узоққа бормайлик: Т.Жамолов ҳам яратиб берилган имкониятлардан фойдаланиб, 2004 йилда фермер хўжалигини ташкил этди. Айни кунда бу ерда 117 бош қорамол, 450 бош қўй-қўзи парваришланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 43 тонна сўт, 3,5 тонна гўшт тайёрланди. АТБ «Микрокредитбанк»нинг туман филиалидан олинган 50 миллион сўм кредит эвазига бир кечакундузда 500 литр сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлган цех фойдаланишга топширилди. Ҳозирги пайтда бу ерда 5 турдаги маҳсулот тайёрланиб, истеъмолчиларга пешма-пеш ет-

казиб берилмоқда. Энг муҳими, 4 та қўшимча иш ўрни яратилди, яъни даромад миқдори сезиларли даражада ошди.

— Ўтган йили 131 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, 20 миллион сўм соф фойда олган эдик. Жорий йилда қўшимча манбалар ҳисобидан яъни даромаднинг 200 миллион сўмга етказишни мўлжаллаб туришимиз, — дейди сўхбатдошимиз. — Ҳадемай, «Дамас» русумли автомашина харид қилишни мўлжаллаётимиз. Ишчи-хизматчиларни моддий рағбатлантириш, кам таъминланган оилаларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳам эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ.

Маълум бўлишича, кўнимеклик сафдошлар орасида галлчилик ва чорвачиликни ривожлантириш, дастурхон тўқинлигини таъминлаш йўлида астойдил меҳнат қилаётган инсонлар оз эмас. «Авас», «Журакул-Хурийд-Умида», «Жаҳон», «Одил» фермер хўжаликлари раҳбарлари Алишер Саидов, Журакул Умуруқов, Ҳосият Исоқова, Яндаш Йўлдошев ана шулар жумласидандир. Улар партия дастурий режаларини амалга ошириш, гоёвий-сиёсий ишларни қучайтириш йўлида алоҳида жонбозлик кўрсатиб, эл-юртнинг хурматини қозонишмоқда.

«Сардор»га сардор сайланди

Бухородаги «Ипотека банк» АТИБнинг «Сардор» филиалида О'zLiDeP бошланғич ташкилоти иш бошлади

Партия фаоллари иштирок этган мазкур тадбирда О'zLiDeP Бухоро шаҳар кенгаши раиси Ж.Матиев, вилоят кенгаши ижроия қўмитаси аъзоси Г.Артиков, «Ипотека банк» АТИБ «Сардор» филиали бошқарувчиси А.Атоев сўзга чиқиб, О'zLiDeP иллари сураётган гоё ва мақсадларни амалга оширишда қуйи бўғинлар фаолияти муҳим эканини таъкидладилар.

Йиғилишда эътироф этилганидек, банкнинг «Сардор» филиали мижозлари сони 15102 нафар бўлиб, уларнинг 192 нафарини тадбиркорлар, оилавий бизнес вакиллари ташкил этади. Тадбирда, шунингдек, шаҳар партия ташкилоти ҳисобида 1120 нафар аъзо борлиги, улар орасида банк ходимлари кўпчиликини ташкил этаётгани ижобий ҳолат, дея баҳоланди. Йиғилишда «Сардор» филиалининг бир гуруҳ ходимлари томонидан О'zLiDeP шаҳар кенгашига партия сафига қабул қилишни сўраб аризалар тушгани айтилиб,



бош ҳисобчи Журабек Тоғаев, етакчи мутахассис Суннат Ачилов, кредит бўлими бош мутахассиси Учқун Отаев, биринчи тоифали мутахассис Лола Наврузова, бош ҳисобчи ўринбосари Аъзим Сайфидинов, оператор-касир Хамид Шариповага партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Бошланғич партия ташкилоти тузишга бағишланган йиғилишда эса филиал бошқарувчиси Аъзам Атоев БПТ раислигига сайланди.

Худди шундай тадбир Бухоро шаҳридаги Ўзбекистон-Туркия «Саноат гилам» қўшма корхонасида ҳам бўлиб ўтди. Айни пайтда бу ерда 14 нафар партия аъзоси фаолият олиб бормоқда. Шаҳардаги «Музаффар Файз» МЧЖдаги О'zLiDeP қуйи бўғини атрофига бирлашган маслакдошлар яна 10 нафарга кўпайиб, бугунги кунда улар сони 16 нафарни ташкил этапти.

Аскар ИСТАМОВ тайёрлади.

О'zLiDeP «ЕШЛАР ҚАНОТИ» «ПАРЛАМЕНТДА МЕНИНГ ЎРНИМ» ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»дан келиб чиқадиган партиявий вазифаларни амалга ошириш, ёшларни мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнига кенг жалб қилиш, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳиятини уларга етказиш ва қонунларнинг ҳаёта татбиқ этилишида ёшлар ролини кучайтириш, депутатлик гуруҳлари йиғилишларига ёшлар билан боғлиқ масалаларни олиб чиқиш, партия тизимида ёш етакчилар сафини кенгайтириш, уларни ўқитиш, раҳбар лавозимларга тайёрлаш ҳамда истиқболли ёш кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида «Агар мен депутат бўлсам» республика кўрик-танловини эълон қилади.

АЗИЗ ЕШЛАР!
О'zLiDeP «Ешлар қаноти» эл-юрт равақи, Ватан манфаатлари учун фидойи бўлган, ўз тақдирини мамлакат тақдирини билан уйғунликда кўрайдиган ёшларни «Агар мен депутат бўлсам» кўрик-танловига иштирок этишга чорлайди.

Маълумот учун телефонлар: 8 (371) 255-48-17, 255-08-21, вeb-сайт www.uzlidep.uz

«Агар мен депутат бўлсам» республика кўрик-танлови 2012 йилда 2 босқичда амалга оширилади. 20 августдан — 15 сентябргача худудий ҳамда ноябрь ойида республика босқичлари ўтказилади.

Эълон

ДИҚҚАТ, ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИХА!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида, Марказий банк, ДТ «Халқ банки», ТИФ-Сийлоқ банки, «Қишлоқ қурилиш банки» ОАТБ, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ, «Алоқабанк» ОАТБ, «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси билан ҳамкорликда «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳасини амалга оширмоқда.

ХУРМАТЛИ ОПА-СИНГИЛЛАР!

«Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳаси Сиз учун хунармандчилик, касаначилик ва бошқа йўналишлар бўйича оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ёки ўз бизнесингизни янада кенгайтириш учун қулай имкониятдир. Зеро, оилавий тадбиркорлик оила фаровонлиги ва аёллар бандлигини таъминлашнинг муҳим омилдир. Лойиҳада фаол иштирок этган хотин-қизларнинг бизнес лойиҳалари ҳамкор тижорат банклари томонидан имтиёзли асосда молиялаштирилади. Батафсил маълумот олиш учун О'zLiDeP ва унинг худудий ташкилотларига мурожаат этинг!

Маълумот учун телефонлар: 8 (371) 255-66-03, 255-62-25
вeb-сайт www.uzlidep.uz, www.sarmoya.uz

«Микрокредитбанк» кичик бизнес тараққиётига хизмат қилмоқда

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2006 йил 5 май куни эълон қилинган «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони асосан иш бошлаган мазкур молия муассасаси ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантиришга бирламчи эътибор қарата бошлади

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI ASR»

Бундан ташқари, банк жамоаси яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, айниқса, қишлоқ аҳолисининг кенг табақаларига микромолиявий хизмат кўрсатиш учун уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлай бошлади. 2008 йилга келиб Президентимиз Ислон Каримовнинг «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Унга кўра, «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг устав капитали 150 млрд. сўмга етказилиши кўзда тутилган эди.



— дейди Пахтачи автомобил ва йўллар касб-хунар коллежи битирувчиси Феруза Нурназарова. — Олган билимларим асосида чеварлик билан шуғулланиб, маҳаллаимиз қизларига ҳам шу ҳунар сирларини ўргатдим. Яқинда «Микрокредитбанк»нинг Зиёвуддин филиалидан 1,8 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олдим. Ана шу маблағ эвазига тикув машинаси харид қилиб, оилавий тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйдим. Энг асосийси, уйда онам ва синглим ҳам ишли бўлишди.

Яна бир коллеж битирувчиси — Барзубек Саидов тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида «Насимжон Азизов» хусусий корхонасини ташкил этган эди. Ёш тадбиркор бошланғич сармояни ташкил этиб, чорвачиликни ривожлантириш учун банкдан 4,9 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит олди. Жорий йил бошида эса кредит муддатидан олдин қайтарилиб, айланма маблағларни кенгайтириш учун 31,5 млн. сўм миқдордаги навбатдаги кредитни олди.

Бунёдкорлик

Қўғайликлар учун байрам совғаси
Мустақиллик байрами арафасида замонавий ва миллий меъморчилик аъёналари асосида қайта қурилган муҳташам бино Учкўрғон туманининг Қўғай қишлоғида жойлашган 12-Болалар мусиқа ва санъат мактаби жамоаси учун ажойиб совға бўлди. Таъкидлаш жоиз: қарийб 1,4 миллиард сўмлик реконструкция ишларидан сўнг ўқув даргоҳи бутунлай бошқача қиёфага кирди. Аҳамиятлиси, қайта қуриш жараёнида қурувчилар томонидан рақс ва хореография йўналиши учун қўшимча катта зал, шунингдек, халқ амалий санъати ва тасвирий санъат йўналишлари учун янги хоналар бунёд этилди.

«ЎҒИТФУРУШ»-ЛАРНИНГ СЎНГИ МАНЗИЛИ

Маълумки, қишлоқ хўжалигида мўл ҳосил етиштириш учун унмдор ернинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун минерал ўғитлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аммо ана шу қишлоқ хўжалиги экинларининг унмдорлигини оширишда хизмат қиладиган бундай тайёр минерал ўғитларнинг ноқонуний олдидан сотдиси ҳам учраб турибди.

Яқинда Тошкент вилояти Божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ана шундай қинғир ишларга чек қўйилди. Бўка туманида истикомат қилувчи фуқаро Б. Улугбековнинг хонадони кўздан кеңилрилганда 27 та қопда 1350 кг аммиакли селитра ноқонуний сақланаётгани маълум бўлди. Шунингдек, Чиноз тумани ҳудудида А. Йўлдошев бошқариб кетаётган «КамАЗ» юк автомобили текширилганда 7,1 тонна аммиакли селитра қонунга хилоф равишда олиб кетилаётгани тўхтатиб қолинди. Маълум бўлишича, қиймати 2,3 млн. сўмлик ушбу минерал ўғит жаззахлик Ш. Зайиров ва Б. Муродовга тегишли экан.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари ва текширув жараёнлари давом этмоқда.

Эллик учинчи — чегара эмас

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш доирасида O'zLiDeP ташаббуси билан амалга оширилаётган «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасининг ҳудудий босқичлари ёш тадбиркорларни кашф этишга хизмат қилапти

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI ASR»

Лойиҳа доирасидаги ўқув-семинарларнинг Навоий вилоят босқичи Навоий шаҳридаги индустриал-иқтисодиёт касб-хунар коллежидан ўтказилиб, унда ўз бизнес-режалари билан қатнашган битирувчиларнинг 53 нафари молия муассасаларидан ажратилган кредитлар эвазига тадбиркорлик фаолиятини бошлашга муваффақ бўлишди. Тадбирда, айниқса, Навоий шаҳри, Кармана, Хатирчи, Навбахор ва Учқулдуклик ёшлар фаолилик кўрсатди.

— «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасини ҳаётга жорий этган O'zLiDeP ҳамда ҳамкор ташкилотларга миннатдорлик билдириш билан, — дейди Навоий техника-иқтисодиёт касб-хунар коллежи талабаси Нилуфар Файзуллаева. — Чунки мана шу ўқув-семинарлар шарофати билан анчадан бундан кўнглимга тугиб қўйган режаларим амалга ошди. Гап шундаки, мен қадимги зардушлик фанларини қайта тиклаш, момоларимиз яратган ўзига хос бичимларнинг янада сайқал топишини ўйлаб юрардим. Ният холис бўлса, уни қўллаб-қувватловчилар албатта топилар экан. Мана, яқинда O'zLiDeP тавсияси билан «Микрокредитбанк»нинг вилоят филиалидан 3 миллион сўм кредит олиб, ўз бизнесимни очдим. Энг муҳими, яна 4 нафар тенгдошимни иш билан таъминладим.

— Мамлакатимизда ёшларнинг ўз саломатлигини намойиш этиш учун барча шароитлар яратиб қўйилгани бизни янгилан-янги ташаббусларга ундамоқда, —

дейди Кармана озиқ-овқат ва меҳмонхона хизмати касб-хунар коллежи битирувчиси Моҳира Юсупова. — Бу жараёнда сиёсий партияларнинг ҳам қўшилаётгани бизни янада рўҳлантирмоқда. Шу маънода, мен O'zLiDePнинг «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида иштирок этиб, келажакка ишончли йўлланма соҳибаси бўлганимдан беҳад хурсандман. Ана шу семинарларда фаол қатнашганим туфайли 1 миллион 800 минг сўм миқдорда имтиёзли кредит олдим ва хусусий тикувчилик цехини очдим. Бу ютуқдан нафақат ўзим ва яқинларим, балки ишга жойлашган 5 нафар чевар дугоналарим ҳам мамнун.

— «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ёшларга гўё қанот бағишлаб, кичик бизнес эшикларини очишга ёрдам берапти, — дейди Навбахор енгил саннат касб-хунар коллежи битирувчиси Шамсия Рустамова. — Ўқув-семинарлар давомида партия фаоллари ва банк-молия идоралари мутахассислари тавсияси билан ўйлаб юрган мулоҳазаларимни бизнес-режа шаклига келтирдим. Энг муҳими, бу ҳаракатларим зое кетмади. «Ҳамкорбанк»нинг Навоий вилоят филиалидан 3 миллион 500 минг сўм кредит олиб, аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш шохобчасини очдим.

Хулоса ўрнида Президентимизнинг «Етуқ раҳбарларга, ёш ва иқтидорли тадбиркорларга кенг йўл очиб бермасдан, уларга танмасдан туриб асло олға юрولмаймиз» деган фикрларини келтирмоқчимиз. Зеро, навоийлик ёшларнинг кичик бизнесга катта шижоат билан кириб келаяётгани Юртбошимиз давлатининг амалий ифодасидир, десак муболаға бўлмайди.

Эълон

«Fitch Ratings»
ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ АГЕНТЛИГИ

«МИКРОКРЕДИТБАНК»
очик акциядорлик-тижорат банкининг

МИКРОКРЕДИТБАНК

кредит рейтингини
«БАРҚАРОР»
деб баҳолади.

«Микрокредитбанк»
сармоялари — тадбиркорлик,
бунёдкорлик ва
тараққиёт хизматида!

Ривожланишнинг янги стратегияси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА муҳбири

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес субъектларини рўйхатга олинган санадан бошлаб, уч йил мобайнида солиқ органлари томонидан режали текширишни тақиқловчи тартиб жорий қилинди. Янги, янада мукамал, очик ва ошкора давлат харидлари механизми белгиланди. Бунда иқтисодийнинг айнан ушбу тармоғига афзаллик берилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳамда молия ҳисоботларини топширишнинг электрон тизимида босқичма-босқич ўтказилмоқда.

Республика ва ҳудудлар даражасида иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда модернизация қилиш кўлами, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш даражасини ҳар чоракда баҳолаш кўрсаткичлари тизими татбиқ этилди.

Натижада 2000 йилга нисбатан кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31 фоиздан 54 фоизгача ўсди. Ушбу даврда мазкур соҳада банд бўлган аҳоли сони 2 баробардан ошди ва иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳолининг 75,1 фоизи айнан унинг улушига тўғри келмоқда. Айни пайтда ялпи ички маҳсулотнинг 82,5, саноат маҳсулотларининг 91 ва қишлоқ хўжалигининг деярли барча маҳсулотлари нодавлат секторда ишлаб чиқарилмоқда.

Президентимиз Исрол Каримовнинг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда шу йил 16 июлда имзолаган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари иқтисодиётнинг ушбу тармоғини ислоҳ қилишнинг мантқиқий давоми бўлди. 16 июлда қабул қилинган фармонга мувофиқ 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 26 фоиз), шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси (умумий миқдорига нисбатан 20 фоиз), жумладан, уларни бекор қилиш ва бириштириш ҳисобидан бекор қилинди.

ССП: ТАДБИРКОРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси (ССП) мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир стратегик масалларни амалга оширишда фаол иштирок этиш ССП фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Палата ташкил этилганидан буён тадбиркорликни тизимли қўллаб-қувватлашни ташкил этиш ва изчил амалга оширишни фаол қатнашчиларидан бирига айланди. Бу ерда ташкилий, инфратузилма, интеллектуал ва кадрлар салоҳиятини муштамлаш ишлари доимий равишда олиб борилмоқда. ССП таркибий бўлинмалари томонидан тадбиркорлик субъектларига турли шаклда мунтазам ёрдам кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси бизнесни юритиш учун ишбилармонлик муҳити ва шартношаларни, рухсатномалар бериш жараёнларини ўрганиш, банк кредитларини олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадига 120 минг нафардан ортиқ тадбиркорлик субъекти иштирокчида сўров ўтказди.

Сўров натижаларига кўра, иштирокчиларнинг 90 фоизи мамлакатимизда яратилган ишбилармонлик муҳитини иқобий баҳолади. Тадбиркорларнинг ҳам ишбилармонлик маданияти даражаси ошди. Илгари улар ССПга бизнесни ташкил қилиш, тадбиркорлик фаолиятини кредит билан таъминлаш, минни-технологияларни жалб этиш масалалари билан мурожаат қилган бўлса, бутун мурожаатлар кўлами анча кенгайди. Жумладан, тадбиркорлар маҳсулотни экспорт қилиш, хорижий сармоялар жалб этиш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тақлифлар киритилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган «Ишбилар-

монлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси зиммасига бизнес-жараён иштирокчилари ўртасида ушбу ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушунтириш ва тарғиб қилиш вазифаси юқланди.

Савдо-саноат палатасининг ҳуқуқий экспертиза ва тадбиркорларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Улуғмурод Эрнарзоровнинг айтишича, ССП мазкур ҳужжатлар ижросини таъминлашда стратегик шериклари билан биргаликда тадбиркорларга ушбу ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича қарийб йигирмата тадбир ўтказган.

ССП Адлия ва Иқтисодиёт вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси билан жойларда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан юқорида қайд этилган ҳужжатлар ижросини таъминлаш бўйича бажарилган ишларни ўрганиш ҳамда мониторинг қилишга доир комплекс чора-тадбирларни келиштирилди.

2000 ЙИЛГА НИСБАТАН КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТДАГИ УЛУШИ 31 ФОИЗДАН 54 ФОИЗГАЧА ЎСДИ. УШБУ ДАВРДА МАЗКУР СОҲАДА БАНД БЎЛГАН АҲОЛИ СОНИ 2 БАРОБАРДАН ОШДИ ВА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИДА ИШ БИЛАН БАНД АҲОЛИНИНГ 75,1 ФОИЗИ АЙНАН УНИНГ УЛУШИГА ТЎҒРИ КЕЛМОҚДА. АЙНИ ПАЙТДА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИНГ 82,5, САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ 91 ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ДЕЯРЛИ БАРЧА МАҲСУЛОТЛАРИ НОДАВЛАТ СЕКТОРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА.

МАРКАЗИЙ БАНК: МЕЪБЕРИЙ-ҲУҚУҚИЙ БАЗА

Мутахассислар банк тизимини кўпинча иқтисодиётнинг қон томири деб атайдилар. Негаки у капитал ва маблағ айланмасини таъминлайди, корхоналарга хизмат кўрсатади, тадбиркорлик лойиҳаларига инвестиция киритиш учун кенг имкониятлар яратган ҳолда маблағлар жалб этади. Президентимиз Исрол Каримовнинг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони банк томонидан кўрсатилмаётган хизматлар турлари ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятини жалдлаштиришга таъсирини кенгайтиришда яна бир муҳим ҳужжат бўлди. Зеро, бугун бозор иқтисодиётининг талаби ҳам шундай.

Хусусан, ҳужжатда қарздорларнинг барча турдаги қўриб бўлаيدиган мол-мулкларни, жумладан, дебиторлик қарзи ва инвентарлари учун кредиторлар ҳуқуқлари (гаров, эгалик қилиш, лизинг, шахсий мулк ва бошқа ҳуқуқлар) тўғрисидаги ахборотнинг ягона реестрини яратиш, реестрдан интернет орқали умумий фойдаланишни ва бошқа қатор муҳим маълумотларни кўзда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги қонунини қабул қилиш зарурлиги қайд этилган.

Фармонга биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банklar ассоциацияси ва Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда кредит ажратиш жараёнларини яхшилаш ҳамда кредит бюралари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини кўрмоқда.

Марказий банкнинг кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти директори Актам Сайфуллаевнинг сўзларига кўра, айни пайтда «Ўзбекистон Республикаси банкларида очилмаган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқнома», «Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низоми», «Импорт шартномаларини ҳисобга қўйиш ва улар тўловини хўжалик субъектларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низоми» каби қатор меъбери-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилмоқда.

Бундан ташқари, Марказий банк тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этиди.

СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ: ВАҚТ ВА МАБЛАҒНИ ТЕЖАШ

Солиқ сиёсати кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларни ҳуқуқий ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади. Шу сабабли дав-

латимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлда имзолаган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига кўзда тутилган ўзгартиришлар Ўзбекистон солиқ тизими учун ҳам долзарбдир.

Ҳужжатда назарда тутилган чора-тадбирлар туфайли солиқ қонунчилиги барча тоифадаги солиқ тўловчилар учун янада дароматли бўлади. Бу солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ходимлари ўртасидаги шахсий алоқаларни камайтириш имконини берадиган электрон ҳисобот дастурининг жорий этилиши билан боғлиқдир. Бу эса, ўз навбатида, солиқ ҳисоби ва ҳисоботи учун бланкалар ҳамда формалар со-тиб олиш харажатларини сезиларли даражада камайтириш, тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини ошириш, корхоналар ривожини рағбатлантириш ва уларнинг солиқ солишини янада мукамал тартибига ўтиштига хизмат қилади.

Амалдештириш кўрсатмоқдаки, ҳисобот қанча содда бўлса, уни ту-

зиш ҳам шунчалик осон бўлади. Фармонга мувофиқ нафақат солиқ ҳисоботининг айрим шакллари бириштирилмоқда, балки уларни тақдим этиш даврийлиги, солиқ тўловчиларнинг вақти ҳамда харажатлари ҳам камайтирилмоқда. Чунончи, 2013 йил 1 январдан бошлаб барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ойма-ой солиқ ҳисоботини тақдим этиш бекор қилинади, қўшимча фойда солиғи бундан мустасно. Бундан ташқари, 12 турдаги солиқ ҳисоботи чоракда бир марта, тўртта эса бир йилда бир марта топширилади.

Ташкил ҳолати, солиқ ҳисоботининг қисқартирилиши солиқ маъмуричилигини янада оптимallashtиради. Солиқ тўловчиларнинг аксариятини эса тадбиркорлар ва фирма-лар ташкил қилади. Улар ушбу шаклдаги ҳисоботни тузиш учун кўп вақт сарфлар эди. Ҳисоб-китобларнинг бириктирилгани солиқ тўловчиларга қўшимча имконият яратиш ба-робаринда солиқчилар ишини ҳам енгиллаштирилади, ҳисоботларнинг ўз вақтида топширилишини назорат қилиш имконини беради. Энди ўн битта ҳисобот ўрнига бешта бириштирилган ҳисобот (даромад солиғи, jisмоний шахслар даромад солиғи, Пенсия жамғармасига мажбурий тўловлар, мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий ажратмалар) топширилади.

ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ: ТЕЗКОРЛИК, ОШКОРАЛИК, ИШОНЧЛИЛИК

Тадбиркорлик иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналиши-ларидан бири сифатида давлат томо-нада қўллаб-қувватлаш бўйича са-марали чора-тадбирларни талаб эта-ди. Кичик бизнес ва хусусий тадбир-корликни ривожлантириш ҳақидаги статистик маълумотлар ушбу соҳада-ги жорий аҳвол тўғрисида тўлиқ ва аниқ ахборот олишга ёрдам беради. Келгусида улар асосида Ўзбекистон-да тадбиркорликни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқишлиши мумкин. Президентимизнинг 2012 йил 16 июл-да қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияла-надиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғри-сида»ги фармонига статистик ҳисоб-отлар механизмининг такомиллашти-ришга доир қатор вазифалар белги-лаб берилган.

Ўзгартиришга биноан тадбиркор-лар томонидан статистика органлари-га ҳисоботлар тақдим этиш тартиби соддallashtирилади.

Жумладан, 65 турдаги давлат ста-тистика ҳисоботини қисқартириш ва 23 турдаги ҳисоботни тақдим этиш даврийлигини ўзгартириш кўзда ту-тилган. Шу тариқа нафақат ҳисобот-лар камайтирилади, балки йил давоми-да уларни тақдим этиш даврийлиги ҳам қисқаради.

Масалан, бир хил маълумотларни бир йўла бир қанча идораларга жуна-тишни кўзда тутган шакллар қисқар-



Олмас МИРСОЛТОВ (ЎЗА) олган сурат

билан фарқ қилади. Унинг афзаллиги шундаки, текширув қисқа муддатда, тадбиркорлик субъектига оғирлик тушмайдиган тарзда ўтказилади. Шунингдек, жамланма статистика ахборотининг тезкорлиги ва ишончилиги ортмоқда, қузатувлар ҳажмининг камлиги эса маълумотларда йўл қўйиладиган хатолар сонини камайтириш имконини беради.

Фармонга биноан статистика маълумотларини тўплаш ва уларга ишлов беришни яхшилашнинг учун ахборот технологияларидан янада самарали фойдаланиш имкони пайдо бўлди. 2011 йилда давлат статистика ҳисоботини электрон шаклда тақдим этиш тизимининг жорий этилиши статистика органлари фаолиятига ҳам ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилиш ишларининг муҳим йўналишига айланди. Айни пайтда статистика ҳисоботининг 34 шакли бўйича электрон шаклдаги маълумотларни Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти (www.stat.uz) орқали бериш, 2014 йилда эса амалда қўлланилаётган барча шакллardan ушбу форматда фойдаланиш мумкин бўлади. Ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиш ва уларга киритилма-диган ўзгартиришлар учун дастурий таъминот Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти орқали бепул тақ-дим этилади. Ҳисобот берувчи субъект-ларга қулай бўлиши учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг янги технологиялар илмий-ахборот марказининг Электрон рақам-ларни рўйхатга олиш маркази томонидан берилган ҳамда электрон шаклдаги солиқ ҳисоботини тақдим этишда фойдаланилаётган электрон рақамли имзосидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Статистика ҳисоботларини элект-рон шаклда тақдим этишга ўтиш аф-дан, баъзи молиявий кўрсаткичлар, хориж капитални иштирокчидаги кор-хоналар фаолияти ва бошқа ҳисобот-ларга ўзгартириш киритилди. Иккин-чи ярим йилликдан бошлаб, жами 7 турдаги ҳар ойлик даврий ҳисобот фақат январь-сентябрь ва январь-де-кабрь ойлари, чораклик даврий ҳисоб-отларнинг уч тури янги, бириктила-штирилган бланкалар асосида бир йил учун, иккинчиси мавсумий шаклдаги ҳисобот эса бутун бир давр учун эмас, балки мавсум боши ҳамда охири учун тақдим этилади.

Танлаб текширишга ўтиш бо-расидаги ишлар қуйидаги тартибда ташкил этилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистика бўйича ах-борот хизмати раҳбари Ақром Султо-нов. — Жумладан, 2013 йилнинг фев-ралдан бари микрофирмалар ўтган йил учун давлат статистика ҳисобот-ларини топширади. Сунгра бу ҳисобот таҳлил қилинчак, математик услублар-дан фойдаланган ҳолда олинган на-тижалар бўйича ҳар чоракда ҳар бир ҳудудий статистика органи иқтисоди-ётнинг турли жаҳаларида фаолият кўрсатаётган микрофирмаларнинг бир қисминини танлаб олади. Микрофирма-ларга текширув ҳақида бланка юбо-рилади ва тўлдирилган бланка стати-стика органига қайтарилади. Тўлди-рилган бланкалар асосида ҳар бир ҳудудда жойлашган микрофирманинг бир чоракдаги фаолияти махсус ус-лубда баҳоланади ва олинган натижа турли кўрсаткичлар бўйича умумий ҳажмга киритилади.

Таъкидлаш жоизки, танлаб тек-шириш услуби мажбурий хусусиятга эга давлат статистика ҳисоботини тақ-дим этишдан бир қанча жиҳатлари

тини янада тубдан яхшилаш ва тад-биркорликка янада кенг эркинлик бе-риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига тадбиркорлик субъектла-рининг ташқи иқтисодий фаолияти-ни эркинлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Мисол учун, 2013 йилнинг 1 ян-варидан божхона органларига олиб келинадиган товарларни божхонада расмийлаштиришда уларнинг сифат сертификати ва рўйхатини, божхона қиймати бўйича қайд этилган маълумотларни тасдиқлаш учун қадоқ-лаш қозғаларини тақдим этиш талаб-лари бекор қилинади. Божхона орган-лари томонидан амалга оширилади-ган ташқи савдо операцияларининг Та-шқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими ёрдамида мониторинг қилиниши муносабати билан ҳисоб-китоблар тўғрисида маълумотномалар, биржа ва ярмарка шартномалари талаб этилмайди.

Шунингдек, 2013 йилнинг 1 ян-варидан божхонада расмийлашти-ришда ускуналар тўпламини етказиб бериш бўйича божхона постларига тақдим этиладиган декларациялар ра-қамлари рўйхати кўрсатилган қўйи-даги ҳужжатлар бекор қилинади: «Ўзбекэкспертиза» очик акциядорлик жамияти томонидан шахсий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб ке-линадиган мулк учун сертификатлар; чет элдан корхона таъсис этган таш-килот маълумотномаси; чой хомашё-сини импорт қилишда қадоқлаш ав-томати мавжудлиги тўғрисида хат, шунингдек, чой хомашёсини импорт қилишда қадоқлаш автоматининг паспорти ёки техник хусусиятлари тўғрисидаги бошқа ҳужжатлар ну-счаси; импорт қилинадиган товар ли-нини тўлаш учун шахсий маблағлар ёки ваколатли банкнинг қафолати борлиги хусусида маълумотнома; импорт шартномалари тўғрисида ах-борот ва улар бўйича юк жўнатишдан олдин инспекция экспертиза ўтказилгани ҳақидаги ҳужжатлар; то-варни олиб чиқишда устав фондини шакллантириш тўғрисидаги маълумотнома; қишлоқ хўжалик маҳсулот-ларини олиб чиқишда Фермер хўжа-ликари уюшмасига аъзолик тўғри-сидаги гувоҳнома, шунингдек, мева-сабзавотларни олиб чиқишда тегишли туман ҳамда шаҳар ҳоким-ликларининг руҳсати.

Бундан ташқари, товарларни электрон шаклда декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш, товарлар божхона ҳудудида этиб келгунга қадар, божхона орган-ларига олдиндан декларация топши-риш ҳисобидан уларни декларация қилиш механизмининг амалга ошириш орқали қўллаб буюрқотик тўғрисида-рини бартаф этиш кўзда тутилган.

Ҳужжатда божхона органларини импорт шартномаларини ҳисобга қўйиш жараёнларини бекор қилиш, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, хомашё товарлари ва мамлакатимиз лабораторияларида синаб кўриш им-кони бўлмаган товарлардан ташқари, мажбурий сертификатланадиган то-варлар рўйхатини қисқартириш, ги-гиена сертификати эга бўлиши шарт товарларнинг батафсил рўйха-тини тасдиқлаш чоралари ҳам кўзда тутилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, иқтисодиёт соҳаси экспертларининг фикрига қараганда, ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш ме-ханизмларини ўзгартириш Ўзбекистон-да тадбиркорлик ҳаракатини ҳам сон-да, ҳам сифат жиҳатидан янада кенгай-тиришга хизмат қилади.

БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ: БОЖХОНА ЖАРАЁНЛАРИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳи-

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куну

Шаҳидлар хотираси мангу яшайди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада


Шухрат РАХИМОВ,
«XXI ASR»

Шаъни топталган, ҳаёти поймол этилган бундай инсонлар орасида деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди. Шу даврда қанча-қанча одамларнинг ўз оиласидан жудо бўлгани, аёллар беваликка, гўдаклар эса етимликка маҳкум этилганини инобатга олсак, кўз олдимизда халқимиз бошига тушган аянчли фожианинг миқёси янада яққолроқ намоён бўлади.

— 2000 йилнинг 12 май куну очилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи айнан Юнусобод туманида барпо этилгани бежиз эмас, — дейди Мурад Зикруллаев. — Зеро, ўтган асрнинг 20-йиллари аввалдан 40-йилларига қадар ўлим жазосига ҳукм қилинган сиёсий маҳбуслар шу ердаги қатлоҳларда отилиб, кафансиз ва жанозасиз дафн этилган. Айнан шу ерда ўша давр ўзбек зиёлиларининг энг сара вакиллари — шоирлар, олимлар, адабиётшунослар, актёрлар ва муҳандислар пинҳона йўқ қилинган. Бу ерда отиб ўлдирилганлар орасида ўзбек миллий романчилиги мактаби асосчиси Абдулла Қодирий, олим ва драматург Фитрат, оташнафас шоир Чўлпон сингарилар бор эди.

Мажмуани кўздан кечириб эканмиз, унинг марказида баландлиги 27 метрли ротонда жойлашганини кўрамиз. Ерқин газдон мармари билан қопланган 8 та устун қат-қат бурмали зангори гумбазни тўтиб турибди. Гумбазнинг ички қисми ганч билан безатилган бўлиб, унда ўзбек ва инглиз тилларида «Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган шаҳидлар хотираси мангу яшайди» деган ёзув битилган. Ротонда марказига эса нақшанкор миллий безаклар тортилган ўймакор қабр тоши ўрнатилган. Бу муқаддас маконни ўзга юртларда ҳоки қилиб кетган юзлаб ватандошларимизнинг рамзий қабри, деса бўлади. Туркистон жаҳидлар ҳаракатининг атоқли вакили Мунаввар қори Абдурашидхонов, истеъодли шоир ва таржимон Усмон Носир, тишунос ва тарихчи Исҳоқхон Ибрат, шоир Элбек ва бошқа қўлбал халқ ўғлонлари шулар сирасидандир.

Ёдгорлик мажмуасининг маънавий-маърифий маркази ҳисобланган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи 2002 йил 31 августда иш бошлаган. Шу йили Ўзбекистонда «Қатағон қурбонларини ёд этиш куну» илк бор нишонланган. Айтиш мумкинки, айнан шу куну оғир синовли дамларни бошдан



Сана, 30.08.2012 йили олинган

**МАНА ШУ МАҲАЛЛАДА
УЗОҚ ЙИЛЛАРДАН БЕРИ
ЯШАЙДИГАН ИНСОН
СИФАТИДА БУ ЕРНИНГ
АВВАЛГИ ВА ҲОЗИРГИ
ҲОЛАТИНИ
СОЛИШТИРГАНДА КЎНГЛИМ
ЯЙРАБ КЕТАДИ.**
**БИЛАСИЗМИ, ИЛГАРИ БУ ЕР
КЎРҚИНЧЛИ ЖАРЛИК
ҲАМДА АХЛАТГА ТЎЛГАН
ЧАНГАЛЗОР БЎЛИБ ЁТАРДИ.
МУСТАҚИЛЛИККА
ЭРИШГАНИМИЗДАН КЕЙИН
ЮРТБОШИМИЗ ТАШАББУСИ
БИЛАН БУ ЖОЙЛАР
ЗИЁРАТХОҒА
АЙЛАНТИРИЛДИ. ШУ
КУНЛАРГА ЕТКАЗГАНИГА
ШУҚР...**

кечирган меҳнаткаш халқимиз қалбидаги ушалмас орзулар амалга ошириб, кўёш нурлари каби қайта порлай бошлади.

— «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ҳам, мажмур музей ҳам қисқа муддатда Тошкент шаҳридаги муқаддас зиёратгоҳлардан бирига айланди, — дейди Юнусобод туманида истиқомат қилувчи онахон Насиба Арзиева. — Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ватандошларимиз шу ерга келиб, жабрийда ота-боболарини эслаш ва улар рўҳига Қуръон тиловат қилиш имконига эга бўлдилар. Мана шу маҳаллада узоқ йиллардан бери яшайдиган инсон сифатида бу ернинг аввалги

ва Ҳозирги ҳолатини солиштирганда кўнглим яйраб кетади. Биласизми, илгари бу ер кўрқинчли жарлик ҳамда ахлатга тўлган чангалзор бўлиб ётарди. Мустиқилликка эришганимиздан кейин Юртбошимиз ташаббуси билан бу жойлар зиёратгоҳга айлантирилди. Шу кунларга етказганига шўқр...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 майдаги «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида музей биносини кенгайтириш бўйича қўшимча курилиш ишлари амалга оширилиб, экспозиция тубдан янгиланди.

Бугун «Шаҳидлар хотираси» мажмуасида ўтказилаётган турли учрашув ва суҳбатлар зиёратчиларда катта қизиқиш уйғотаётгани бежиз эмас. Айниқса, умрида «қатағон» сўзини эшитмаган, бир пайтлар ҳуррият замонида эмин-эркин камолотга етаётган ёшлар музей экспозициялари билан танишиб, ҳайратга тушмоқдалар. Музей уларнинг тарихий ҳақиқатни теран англаган ҳолда мустиқиллик билан мустамлакачилик даврлари ўртасидаги катта фарқни кўришлари, истиқлол даври қадриятларини ҳурмат қилишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Муаззам ёдгорлик мажмуаси, «Қатағон қурбонлари хотираси»

музейи кун сайин юрт тинчлиги ва озодлиги, миллатнинг шаъну шавкати, авлодларнинг порлоқ истиқболу учун ўзини фидо айлаган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлмоқда. Биргина 2012 йилнинг ўтган даврида «Қатағон қурбонлари хотираси» музейига 25000 га яқин зиёратчи ташриф буюрди. Уларнинг аксарияти, аниқроғи 55 фоизи ёшлардан иборат экани, айниқса, қувонарлидир.

— Ватан тинчлиги, озодлиги ва келажак авлод фаровонлигини ўйлаб тинимсиз курашлар олиб борган, ҳақиқат учун жон фидо қилган азиз ватандошларимиз хотираси ёдга олиниб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиши қандай яхши, — дейди ўз оиласи билан Оқдарё туманидан бу ерга келган шифокор-травмотолог Темур Очилов. — «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг анҳор бўйида жойлашгани унинг тароватини янада ошириб турибди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўтмиш ва тарихни билиш, англаш, аввало ўзимиз, қолаверса, фарзандларимиз учун ўта муҳимдир. Ўтганлар хотирасини ёдга сақлаб, эъзозлаш эса халқимиз учун энг муқаддас фазилатдир. Мустиқиллик байрамни арафасида эришилган галабаларни нишонлаш, бутунги хунимизга шукроналар айтиш анъанаси бардавом экан, Ватан озодлиги учун курашган ҳамюртларимиз ёди ва жасорати ҳамisha қалбларимизда эъзоз-топавради.

Эрталаб тажрибали синоптик ассистенти билан об-ҳаво маълумотларини тайёрламоқда.
Синоптик:
— Бугун ёмғир ёғади. Ассистент метеорологик харида ҳамда қоплотдан олинган суратларга тиклиб турди ва ҳайрон бўлиб сўради:
— Намага асослашиб бундай даялсиз?
Синоптик:
— Бугун совбоимни уқутдим, машамани юдум ва яна кечқурун табиат кўйидаги зиёратга тақлиф этилганман.



Ҳазил чекинишимиз билан азиз газетхонларимизга об-ҳаво кайфиятингизни бузмаслигини тилаб қоламиз.

Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 23-30 август кунлари республикамиз ҳудудида ўзгарувчан об-ҳаво кузатилади, ёғингарчилик кутилмайди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кечаси 17-22, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади. Навоий, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлиб, ҳарорат кечаси 18-23, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади. Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси 17-22, кундузи 24 августда 32-37, 25-27 август кунлари эса 30-35 даража иссиқ бўлиши кузатилади. Республикаимизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси 24 августда 22-25, кейинги икки кунликда эса 17-22, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлиши кўрсатмоқда. Тоғли ҳудудларда кечаси 24 августда 17-22, ҳафтанинг дам олиш кунлари эса 13-18, кундузи 22-27 даража илиқ бўлиши кутилмоқда.

Реклама

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ
ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ
AGROBANK

Омонатингизни бизга ишонинг

Омонатга бўш пул маблағларингизни Агробанкнинг исталган филиалига қўйишнинг мумкин. Омонатлар бўйича ҳисобланган фойдали дивиденднинг биринчи таллабидек берилди. Агробанк омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация юлмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сирли ҳисобланади. Қўшимча маълумот учун 150 53 65, 150 53 32 телефон рақамларига мурожаат этишигиз мумкин.
www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган

Бу қизиқ

КИММАТЛАГАЧ БЗОРИ ЧАҚҚОН БЎЛГАН ТАОМ

Маълумотларга кўра, пакетчалар ва елим идишларга қадоқланган, таомлар XVI асрда Хитойда пайдо бўлган. Янжюку шаҳри ошпазлари аввалдан пиширилган хамирчаларни қайноқ шўрвага солган ҳолда дастурхонга тортишган. Бугунги кўринишдаги тез тайёрланадиган хамирли таомларнинг илк «рецепти» эса япониялик Андо Момофуги томонидан ишлаб чиқилган. Гап шундаки, иккиёчи ҳажин урушидан сўнг озик-овқат тақчиллигини бошдан кечирган Япония АҚШдан гуманитар ёрдам сифатида бугдой ола бошлаган пайтда Момофуги арзон навли ундан узоқ вақт сақланадиган, муҳими тез тайёрланадиган, угра ошага ўйлаш таомни пиширишга ҳаракат қилган. Хамирни майда бўлақларга бўлиб ташлаган Андо аввал лапшани хушбўй зирворлар солинган товۇқ гушти бўльонига солиб қўйган. Кейин эса ёгда пишириб, қуриптиб қўйган.

Қизиқ томони шундаки, аввал таомига жуда паст нарх белгиланган Момофуги ўз маҳсулотини сота олмаган. Аммо нарх кўтарилганидан сўнг экспортни угра ошага нисбатан харидорларнинг қизиқиши кескин ортиб кетган.

Реклама

КСИМЕЛИН®

Ксилометазолин

Равномерно орошает всю слизистую носа, обеспечивает дренаж носовых пазух и полости среднего уха

Эффект наступает сразу же после применения и длится до 8-10 часов

В отличие от сосудосуживающих препаратов действует не только на слизистую носа, но и на слизистую среднего уха

Точное дозирование исключает передозировку

Эффективность доказана в клинических испытаниях

Показания к применению: Острые респираторные заболевания с выраженным ринитом (насморк), острый воспалительный ринит (поллиноз), острый синусит, средний отит (для уменьшения отека слизистой носоглотки). Подготовка больного к диагностическим манипуляциям в носовой полости.

Быстрее насморка!

Йодомарин®

Капсия Йодид

Море всегда с тобой!

- Устраняет дефицит йода
- Повышает иммунитет
- Улучшает память и внимание

Состав: Йодомарин® 150 — содержит 150 мг йода в виде йодида калия и 150 мг йода в виде йодата калия. Йодомарин® 200 — содержит 200 мг йода в виде йодида калия и 200 мг йода в виде йодата калия. Йодомарин® 250 — содержит 250 мг йода в виде йодида калия и 250 мг йода в виде йодата калия. Йодомарин® 300 — содержит 300 мг йода в виде йодида калия и 300 мг йода в виде йодата калия. Йодомарин® 400 — содержит 400 мг йода в виде йодида калия и 400 мг йода в виде йодата калия. Йодомарин® 500 — содержит 500 мг йода в виде йодида калия и 500 мг йода в виде йодата калия. Йодомарин® 600 — содержит 600 мг йода в виде йодида калия и 600 мг йода в виде йодата калия. Йодомарин® 700 — содержит 700 мг йода в виде йодида калия и 700 мг йода в виде йодата калия. Йодомарин® 800 — содержит 800 мг йода в виде йодида калия и 800 мг йода в виде йодата калия. Йодомарин® 900 — содержит 900 мг йода в виде йодида калия и 900 мг йода в виде йодата калия. Йодомарин® 1000 — содержит 1000 мг йода в виде йодида калия и 1000 мг йода в виде йодата калия.

БЕРЛИН - CHEMIE
MENARINI